O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

9 (9) (51-52) 25 декабрь, пайшанба 2008 йил • Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Жамият равнақи

маънавияти юксак ёшлар билан белгиланади

3-бет

Бу ерда бўлажак кончи ва саноатчилар тайёрланади

энг муҳими битирувчиларнинг бирортаси ҳам ишсиз қолмаяпти

5-бет

Автоинқироз

Европа ва Америкада янги автомобиль сотиб олиш камайди

7-бет

МТ БУГУНГИ СОНДА:

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ 2-бет
Амалий ҳамкорлик
Депутат саъй-ҳаракати билан
Йил якунлари ва истиқболдаги режаларга бағишланди
Табиатни асраш
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ 3-бет
Барқарорлик
Инсон ҳуқуқи — олий қадрият
Олмоқнинг бермоғи бор
Ёнғин — тилсиз ёв
4-бет
Фаровонлик оила тўкинлигига боғлиқ
Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши
Тиббиёт муассасаларига ёрдам
МАЪНАВИЯТ 5-бет
Ноёб дурдоналар
Иштиёқ
ХАЛҚАРО ҲАЁТ 7-бет
Хитой маданияти тарихидан лавҳалар
Дунёдан дараклар

ШУКУҲ

Яна завққа тўлди дил...

Пойтахтимизнинг мустақиллик майдонидаги "Эртаклар шаҳарчаси"дан репортаж

Тўмарис АЪЗАМ
"Milliy tiklanish" мухбири

Янги йил барчамиз, айниқса, болажонларимиз учун энг севимли байрам. Ана шундай қувончли кунларда беихтиёр болаликка қайтишни истаймиз. Кенг ўрмонзор узра ёғаётган қор остида ял-ял ёниб турган ям-яшил баланд арча, унинг атрофида барча ўрмон ҳайвонлари қўшиқ айтиб, рақс тушишмоқда. Қорбобо ва Қорқиз шеър ўқиётганларга турфа хил совғалар улашишяпти. Бундай ажойиботларга бой мўъжизалар оламида бўлиб қолишни ҳамма бирдек истаса керак.

Пойтахтимиздаги Мустақиллик майдонининг қоқ ўртасида болалигимиз орзуси бўлган "Эртаклар шаҳарчаси" кичкинтойларга Президентимизнинг байрам совғаси сифатида барпо этилди. Худди эртак қаҳрамонларининкидек мўъжазгина уйчалар. Унинг атрофида бир-бирини қувлаб юрган турли ҳайвонлар болажонларга завқ-шавқ улашмоқда. Бундай "Эртаклар шаҳарчаси" каттаю кичикни бирдек болаликнинг сеҳрли диёрига етаклайди. Энг тепасида афсонавий Хумо қуши парвозга шайланаётган улкан арча атрофида турли кўргазма-ярмаркалар ташкил қилинган. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари ҳамда Халқ таълими вазирликлари, "Ўзбектеатр" ижодий ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва кўплаб мутасадди ташкилотлар ҳамкорлигида тайёрланган саҳна кўринишлари, юртимизнинг машҳур санъаткорлари иштирокидаги концерт дастурлари, мусиқий томошалар болажонлар қувончига-қувонч қўшмоқда.

Турли ўйинлар билан машғул шўх-шодон болажонларни суҳбатга тордик.

- Баланд арча атрофида ўрмон ҳайвонлари билан биргаликда ўтказиладиган янги йил ҳақида фақат эртакларда ўқиганман, - дейдиТошкент шаҳридаги 94-мактаб ўқувчиси Нисо Ҳайитова. – "Эртаклар шаҳарчаси"ни кўриб ҳайратга тушдим. Хаёлимдаги мўъжизаларга тўла сеҳрли олам кўз олдимда намоён бўлди. Фақат мен эмас, жуда кўп болалар эртаклардаги каби янги йилни орзу қилишади. Биз ўқитувчимиз билан бу ерга бир неча марта келдик.

Айниқса, кеч кириши билан чироқлар ёруғида ўзини кўз-кўз қилиб турган арча бутун оламга нур улашиб, ҳаммани ўзига чорлаётгандай. "Эртаклар шаҳарчаси"ни кўриб нафақат пойтахтликлар, балки вилоят ва туманлардан келаётган меҳмонлар ҳам завқланишмоқда.

- "Эртаклар шаҳарчаси" ўзининг сеҳрлилиги билан барчани ўзига жалб қиляпти. Бу ҳақда эшитган, ўқиган ҳар бир бола, албатта келиб кўришга ошиқади. Шаҳарча фақат ўйин кулгулар билан гўзал эмас, - дейди Самарқанд шаҳридаги 21-мактаб ўқувчиси Мадинабону Ҳамидуллаева. - Биз бу ерда ўзимизнинг ақлимизни ҳам чархлашимиз мумкин. Чунки Қорбобо ва Қорқиз болажонлар билан турли викториналар, қизиқарли интеллектуал беллашувлар ўтказишмоқда. Янги йил ва арча ҳақида энг кўп шеър ёд олганлар Қорбобонинг совғаси билан тақдирланмоқда. Яна шуни истардикки, "Эртаклар шаҳарчаси" ҳар йили барпо этилса. Мен Ўзбекистондаги барча болалар номидан Президентимизга раҳмат айтаман. Бундай ғамхўрликларига жавобан фақат "аъло" баҳоларга ўқиб, комил инсонлар бўлиб улғаямиз. Бу менинг ҳаётимдаги энг чиройли, энг унутилмас арча байрами. Самарқанддаги барча тенгдошларимга таассуротларимни, албатта айтиб бераман.

Болажонлар учун "Эртаклар шаҳарчаси"даги шоду хуррамликлар 2009 йилнинг 10 январига қадар давом этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2009 йил 4 январь якшанба дам олиш кунини 2009 йил 2 январь жумага кўчириш тўғрисида

Янги йил байрами муносабати билан ҳамда аҳолини дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида:

2009 йил 4 январь якшанба дам олиш куни 2009 йил 2 январь жумага кўчирилсин. 4 январь якшанба кунини иш куни деб эълон қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2008 йил 24 декабрь

"КЕЛАЖАК ОВОЗИ – 2008"

Истеъдодлар ижодий ишлари намойиши

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон маданият ва санъат кўргазмаси залида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ўтказилаётган "Келажак овози" республика кўрик-танлови доирасида тасвирий ва амалий санъат кўргазмаси ташкил этилди. Унда мазкур танловнинг тасвирий ва амалий санъат йўналиши қатнашчиларининг ижодий ишлари намойиш этилмоқда.

Кўргазманинг очилишида Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Т.Қўзиев, "Келажак овози" Ёшлар ташаббуслари маркази бошқаруви раиси ўринбосари М.Рустамов, Ўзбекистон халқ рассоми А.Нур Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, теран тафаккур, юксак маънавият соҳиби этиб тарбиялаш борасида барча шароит ва имкониятлар яратилганини таъкидлади.

Барпо этилаётган кўплаб санъат саройлари, кўргазма заллари, маданият ва санъат йўналишидаги ўқув муассасалари ёш авлодни она-Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилиши баробарида, уларнинг бадиий-эстетик дидини янада юксалтириш, ёшларга санъатнинг энг ноёб дурдоналаридан баҳраманд бўлиш имконини бермоқда. Ўқувчи-ёшларнинг интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига яқиндан кўмаклашишда "Келажак овози" танловининг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Бу йил мазкур беллашувнинг якуний босқичида бир юз ўн беш нафар йигит-қиз ўзининг олти юзга яқин ижодий иши билан қатнашмоқда. Тасвирий санъатнинг графика, рангтасвир, ҳайкалтарошлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, нақкошлик, каштачилик, зардўзлик, гиламдўзлик каби йўналишларидаги ижодий ишлар шулар жумласидандир.

Шоҳиста Хонибекова Хоразм вилояти Урганч туманидаги 43-мактабнинг 9-синфида ўқийди. Шоҳиста тиккан сўзанаю дўппилар нақшинкорлиги, камалак жилолари билан эътиборни тортади. Барча йигит-қизлар қатори у ҳам мазкур танловнинг республика босқичида қатнашаётганидан жуда мамнун ва билдирилган бундай катта ишончни аъло ўқиш ва фаол ишлари билан оқлаш ниятида.

Наманган вилоятининг Поп туманидаги Иқтисодиёт коллежида таълим олаётган Ёдгорбек Ўлмасов танловга элликдан зиёд ҳайкалтарошлик иши билан келган. Ёдгорбекнинг айтишича, бу кўрик танлов ёшларга ўз истеъдод ва имкониятини янада кенгроқ намоён этишида яқиндан кўмаклашмоқда.

ТАҲЛИЛ

Идораларо комиссия йиғилиши

Пойтахтимизда Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика идораларо комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда одам савдосига қарши курашиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳудудий идораларо комиссияларининг фаолияти юзасидан ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Йиғилишда одам савдоси бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти учун долзарб муаммолардан бирига айлангани таъкидланди. Чунки бу трансмиллий жиноятнинг кўлами ва қамрови тобора кенгайиб бораётир. Шу боис унга қарши курашиш ҳар бир давлатнинг муҳим вазифаларидандир.

Йиғилишда асосий эътибор мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишда барча ваколатли идораларнинг кучини бирлаштириш ва ишларни ҳамкорликда ташкил этиш Идораларо комиссиянинг муҳим вазифаси эканлигига қаратилди.

Номлари қайд этилган ҳудудий идораларо комиссиялар раисларининг ҳисоботлари тингланди. Улар фаолиятига холисона баҳо берилиб, жойларда одам савдосига оид жиноятларга қарши курашишни мувофиқлаштиришда камчиликларга йўл қўйилаётганлиги танқид қилинди.

Республика идораларо комиссияси, доимий фаолият кўрсатувчи таҳлилий ишчи гуруҳи аъзолари, тегишли идораларнинг масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакилари иштирок этган тадбирда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, одам савдосига қарши курашишни янада кучайтириш юзасидан зарур чора-тадбирлар белгилаб олинди.

(ЎзА)

2009 йил учун «Milliy tiklanish»га обуна бўлинг!

Обуна «Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Матбуот тарқатувчи» АКнинг барча бўлимларида қабул қилинади!

ПАРТИЯ ҲАЁТИ ВА ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ

«МТ» ҲАЁТИДАН

Н.ШОКИРОВ,
ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши ИҚ раиси ўринбосари

Амалий ҳамкорлик

Халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуғ туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади.

Ислом КАРИМОВ

Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари дадил одимлаётган мамлакатимизда фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2008 йил 30 сентябрда қабул қилинган «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарорига мувофиқ вилоятимиздаги барча шаҳар ва туманлардаги қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида сайлов жараёнлари кўтаринки руҳда, қонун талаблари даражасида, демократик тамойиллар асосида ўтгани ҳамманинг диққат эътиборида бўлмоқда.

Ўзбекистон тумани, Яйпан шаҳридаги барча қишлоқ ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида ободонлаштириш, кўкламзорлаштириш борасида кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Энг аввало МФЙ биноси таъмирланиб, унинг ён-атрофи чиройли гулзорга айлантирилди, шунингдек, ташкил этиладиган учрашувлар, барча зарур йиғинлар, байрам тадбирларини ўтказиш учун шароитлар яратилган. Кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан хабар олиш, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш, турли мавзудаги давра суҳбатларини ташкил этиш каби тадбирларнинг мунтазам ўтказилаётгани фикримизнинг далилидир.

Туман кенгаши етакчилари ва депутатларимизнинг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлиги ва бевосита мулоқоти натижасида туман маҳалла оқсоқоли ва раислигига 15 нафар номзод кўрсатилди ва улардан 12 нафари маҳалла оқсоқоли этиб сайланди. Тумандаги 59 та ҚФЙ ва МФЙлардан сайланган раислар орасида "Нурсух" МФЙ раислигига Тўлқинжон Отажонов, Охунбобоев ҚФЙ раислигига Одилжон Худойназаров, "Кичик оқ мачит" МФЙ раислигига Холматжон Ҳақназаров каби партиямиз фаолларининг борлиги аъзоларимиз ва бошланғич партия ташкилотлари сонининг ошишига замин яратади.

- Қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари вазифаларига сайланган кишилар эл ўртасида обрў- эътибор қозонган, фидойи, ташаббускор, билимли ва ҳаётий тажрибага эга инсонлар бўлиши лозим. Аҳоли фаровонлигини таъминлаш, одамлар ўртасида дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда уларнинг ўрни беқиёсдир. Шунинг учун ҳам жойларда сайловлар қонунчилик талабларига мувофиқ очиқ ва ошкоралик, демократик тамойиллар асосида ўтказилди,-дейди биз билан суҳбатда халқ депутатлари Ўзбекистон тумани кенгаши депутати Ҳамдамали Отабоев.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ – БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Дилноза ҲАЙИТОВА
"Milliy tiklanish" мухбири

Табиатни асраш

БПТ фаолиятининг бош мезонига айланган

— Ёш авлод онгига табиатни асраб-авайлашни сингдириб бориш, тўгараклар орқали уларнинг борликка нисбатан меҳрини шакллантириш, экологик маданиятини юксалтириш ишимизнинг асосий мезонини ташкил этади. Турли кўрик-танловлар, тадбирлар воситасида табиатни, унинг ҳар бир заррасини асраш кераклигини ўқувчиларга сингдириб боришга ҳаракат қилаяпмиз. Бу ишга тумандаги 102 та умумий ўрта таълим мактаблари жамоасини ҳам жалб этганмиз, - дейди биз билан суҳбатда Ургут туман халқ таълими бўлимига қарашли Табиатшунослик иши ва экологик тарбия маркази хўжалик ишлари мудири, ЎзМТДП бошланғич партия ташкилоти етакчиси Дилшод Раззоқов. Яқинда ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитаси билан ҳамкорликда "Эколандия мамлакати" мавзусида кўриктанлов ўтказдик. Ушбу тадбирда ўқувчилар ўз қўллари билан гербарийлар, кўргазмалар тайёрлашиб, "Табиат қўйнида бир кун" очиқ дарси ўтказилди.

20 нафардан зиёд аъзони бирлаштирган мазкур бошланғич партия ташкилоти иш режаси ва унда белгиланган вазифалар партия дастурий ғояларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб ва ташвиқ этишга, хайрихоҳлар сонини кенгайтириб боришга қаратилган бўлиб, бу мақсад бошланғич партия ташкилоти томонидан ўтказилаётган ҳар бир тадбир, олиб борилаётган амалий ишларда кўриняпти. Комила Зиёдуллаева, Илёс Мирфазоев, Эргаш Ашуров, Фарида Холмуродова сингари аъзолари доим фаоллар сафида. Улар каби ташаббускор, изланувчан ёшлар саъй-ҳаракатлари билан БПТ аъзолари сафи кенгайиб бормоқда.

Дарвоқе, инсон моҳиятан табиат билан чамбарчас боғланиб кетган. Балки шу боис бўлса керак, бизнинг ўзлигимиз она табиатга бўлган муносабатимизда ҳам намоён бўлади. Мусаффо ҳаво, зилол сувдан куч-қувват олиб яшаётган она замин бағридаги ҳар бир гиёҳдан тортиб зарра тошларда ҳам беқиёс табиатнинг мўъжизакор ҳикмати мужассам. Ана шундай муқаддас тушунчаларни англаб етиш ва табиат неъматларидан оқилона фойдаланиш барчамиз амал қилишимиз керак бўлган вазифадир. БПТ томонидан бу масалага катта эътибор қаратилмоқда. Буни ўтказилаётган тадбирлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, мамлакатимиз мустақиллигининг 17 йиллиги муносабати билан "Табиат ёшлар нигоҳида" деб номланган тадбир тумандаги мактаб ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг биология ва экология йўналишларидаги тўгарак аъзолари ўртасида бўлиб ўтди. Мазкур тадбир атроф-муҳит экологияси ва инсон саломатлиги, маҳаллий экологик муаммолар, табиат бойликлари ва уларни муҳофаза қилиш каби мавзуларга қаратилди. 60 нафардан зиёд ўқувчи ўзларининг юқоридаги мавзулар бўйича шеърият, ҳикоянавислик, рассомчилик ишларини ҳайъат аъзоларига тақдим этдилар. Танлов якунига кўра Наргиза Ўлмасова, Мақсуда Исмоилова, Наргиза Раҳмонқуловалар ғолиб деб топилиб, уларга ЎзМТДП туман кенгаши Ижроия қўмитасининг эсдалик совғалари топширилди. Бундай амалий ишлар сирасига "Табиат: кеча, бугун, эртага", "Болаларга беринг дунёни" каби тадбирларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Бундай тадбирлар фуқароларимизда она табиатга нисбатан тўғри муносабатни шакллантириш, бу борадаги билим ва тушунчаларини кенгайтириш, жамиятда экологик маданиятни юксалтиришда ўзига хос ҳисса қўшиши шубҳасиз.

ҲАМКОРЛИК

Депутат саъй-ҳаракати билан

Анорбой НОРҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Эл-юрт ҳурматини қозониш катта бахт. Бозорбой Қаршиевни ана шундай инсонлар қаторига қўшиш мумкин. Партиямизнинг жонкуяр аъзоси мана қарийб ўттиз йилдирки соғликни сақлаш соҳасида меҳнат қилиб келади. У ўтган йиллар давомида Гулистон шаҳар марказий, вилоят кўз касалликлари шифохоналари ва "Саломатлик" институти вилоят филиалига раҳбарлик қилиб, воҳадаги соғликни сақлаш тизимидаги ишларга бош-қош бўлди.

Бозорбой Қаршиевнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти кенгашига депутат этиб сайланиши ҳам унга бўлган юксак ишонч намунасидир. У зиммасига юкланган масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда депутатлик фаолияти давомида сайловчилар билан тез-тез учрашув, турли мавзуларда суҳбатлар, мулоқотлар ва тадбирлар уюштирмоқда. Бозорбой аканинг касби шифокор бўлганлиги боис, сайловчиларни мамлакатимизда соғликни сақлаш соҳасида олиб борилаётган кенг ислоҳотлар жараёнидан ва соҳага доир муҳим ҳужжатлардан ўз вақтида бохабар этиб бормоқда. Яқинда депутат саъй-ҳаракати билан "Наврўз" маҳалласида давра суҳбати ташкил этилди. Тадбир давомида маҳалла аҳлига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёллар соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва унинг тарбияланишининг устувор йўналишларини амалга ошириш тўғрисида"ги ҳамда 2003 йил 25 августдаги "Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтиш низомини тасдиқлаш тўғрисида"ги Қарорлари ижроси ҳақида бир гуруҳ малакали мутахассис ва шифокорлар томонидан тушунчалар берилди. Иштирокчилар оилада тиббий маданиятни ошириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза этиш, оила қураётган ёшларнинг тиббий кўрикдан ўтишлари ҳақида етарли маълумотларга эга бўлдилар.

Депутат ташаббуси билан Мирзаобод ижтимоий-иқтисодий касб-ҳунар коллежида ўтказилган "Ёшлар соғлом турмуш тарзини танлайди", "Гиёҳвандликка қаршимиз", "Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" мавзусидаги тадбир ҳам қизиқарли ва мазмунли ўтди. Шифокорларнинг қимматли маслаҳатлари, талаба ёшларда катта қизиқиш уйғотди. Айни пайтда туманда қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш ишларига катта эътибор қаратилмоқда. Кейинги йилларда "Наврўз", "Боғистон", Усмон Юсупов номли маҳаллаларда замонавий қишлоқ врачлик пунктлари қад ростлади. "Саломатлик-I" лойиҳаси асосида асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Қишлоқ шифохоналарида бугунги кунда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифати тубдан яхшиланди.

Бозорбой Салимов партиямизнинг омма ўртасидаги нуфузини янада ошириш ишларига ҳам кенг эътибор қаратмоқда ва ушбу мавзуга бағишлаб жойларда бир қатор тадбирларни ўтказмоқда. Яқинда Усмон Юсупов номли маҳаллада партия фаоллари билан ҳамкорликда ўтказилган давра суҳбати "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонун ижросига бағишланди. Унда партиямизнинг жамиятда тутган ўрни, унинг бугунги кунда олиб бораётган сиёсати ҳақида тадбир қатнашчиларига батафсил маълумот берилди. Тадбир сўнгида депутат бошчилигидаги партия фаоллари ва ҳомийлар маҳалладаги 10 нафар хаста, ногирон инсонларни совға-салом, дори-дармон билан йўқлаб, кўнгилларини кўтардилар.

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎЗ МУХБИРИМИЗ

Янги оилаларга совға-саломлар

"Мирзачўл" қишлоқ фуқаролар йиғини нафақат Мирзаобод туманида, балки Сирдарё вилоятида ҳам энг намунали аҳоли масканларидан саналади. Бу ерда ўндан ортиқ турли миллат вакиллари худди бир оила фарзандларидек аҳил-иноқ ҳаёт кечирмоқда. Ушбу масканда партиямиз аъзолари бўлган ёшлар жуда кўпчиликни ташкил этади. "Миллий тикланиш" демократик партияси Мирзаобод туман кенгаши ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларига катта эътибор қаратмоқда. Яқинда Райим Анорбоев хонадонида ўтказилган тўй ҳам ана шундай унутилмас, эсда қоларли тадбирлардан бири бўлди. Шу куни хонадонга қўшалоқ келин тушди. Азимжон ва Шоҳистахон, Жаҳонгир ва Шаҳнозахонларнинг никоҳ кечасида партиямизнинг энг ёш аъзолари бўлган бахтли келин-куёвларга туман кенгашининг ва ҳомийларнинг совға-саломлари топширилди.

Беруний маҳалласида яшовчи келин-куёв Икромжон ва Шоҳистахон Аҳмедовлар, Баҳромжон ва Дилноза Ташановларга ҳам ана шундай эътибор кўрсатдилар. Партия фаоллари айни кунда кўплаб шундай хайрли тадбирларни амалга ошираяптилар.

МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Битирувчилар иш билан таъминланди

Ў.БЕРДИБЕКОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўсиб келаётган келажак авлод вакилларининг ақл заковати, билими, дунёқараши аввало мактабда шакллланади. Айтиш жоизки, ўқув даргоҳларида ўқувчиларга таълим бериш жараёнида янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллардан кенг фойдаланилаётгани ўзининг ижобий самарасини беряпти. Аммо ёшлар таълим-тарбияси, уларнинг ҳар томонлама салоҳиятли бўлиб вояга етишида яна бир муҳим масала борки, у ҳам бўлса фарзандларимизнинг касб-ҳунар эгаллаганидан кейин иш билан бандлигини таъминлаш билан боғлиқ.

Жиззах вилоятида ёшларга янги иш жойларини яратиш жараёнида "Бўш иш ўринлари ярмаркалари"нинг мунтазам ўтказиб келинаётгани бугун бесамар кетмаяпти. Масалан, ЎзМТДП вилоят кенгаши, Жиззах шаҳар прокуратураси ва бандликка кўмаклашувчи марказ ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда ҳудуддаги аккумулятор заводи, "ЕвроОсиёКарпет" пластмасса сингари ўттиздан ортиқ ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар қатнашиб ўз имкониятларини намойиш этишди. Олий ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежларини тамомлаб, мутахассисликка эга бўлган кўплаб ёшлар учун ушбу ярмарка айни муддао бўлди, десак муболаға бўлмайди.

- Мазкур ярмарканинг ташкил этилгани биз ёшлар учун яхши имконият яратди,- дейди ёш мутахассис Темур Нормуродов. - Бу ярмаркада қатнашиб, шаҳримиздаги аккумулятор заводига ишга киришга муваффақ бўлдим. Бундан жуда хурсандман.

Шунингдек, ярмаркада йирик саноат корхоналаридан ташқари партия ташаббуси билан миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари кўргазмасига ҳам кенг ўрин берилди. Бу ердаги қатнашчилар, айниқса, ёшларнинг фаоллиги миллий қадриятларимизга бўлган қизиқишнинг ортиб бораётганлигини яққол кўрсатиб турибди.

Шу кунга қадар вилоятда ўтказилган ана шундай меҳнат ярмаркаларида 4 минг нафарга яқин аҳоли иш билан таъминланди. Эътиборлиси шуки, ҳудуддаги касб-ҳунар коллежларини бу йил тамомлаган 9 мингдан ортиқ ёшларнинг асосий қисми бугунги кунда ўзлари танлаган соҳаларида фаолият кўрсатмоқдалар.

ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА

Йил якунлари ва истиқболдаги режаларга бағишланди

Д.ҲАЙИТОВА
"Milliy tiklanish" мухбири

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгашининг жорий йил якунлари ва келгуси йил истиқболдаги режаларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари, ЎзМТДП туман кенгашлари Ижроия қўмиталари раислари, партия фаоллари иштирок этдилар. Йиғилиш кун тартибидан партия кадрлари заҳирасини шакллантириш, партиянинг ягона нашри бўлган "Миллий тикланиш" газетасига обунани жадаллаштириш каби масалалар ўрин олди. Уни ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Рустам Қосимов очиб, қуйидагиларни таъкидлади:

— Жорий йилдаги фаолиятимизни сарҳисоб этар эканмиз, эришган ютуқларимиз ва йўл қўйилган камчиликлар, бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш, янги БПТлар тузиш, партия аъзолари ва хайрихоҳлари сафини кенгайтириш, уларни сон ва сифат жиҳатидан мустаҳкамлашга эришиш каби муҳим масалаларда янада самаралироқ фаолият олиб боришимизни талаб этади. Янги 2009 йилга бағишлаб тузиладиган иш режасида БПТларни партиянинг бош таянчига айлантириш, ўтказилаётган тадбирларнинг аҳоли ўртасида таъсирчанлигини ошириш каби масалаларни қамраб олишини ҳам назардан четда қолдирмаслик лозим.

Шунингдек, йиғилишда туман кенгашлари хотин-қизлар ва ёшлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратишлари зарурлиги хусусида фикрлар билдирилди. Йиғилиш якунида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

АНЖУМАН

"Конституция ва ёшлар"

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида бўлиб ўтган анжуман ана шундай деб номланди

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзМТДП фракцияси аъзоси Раъно Зарипова, ТошДТУнинг маънавий-маърифий масалалар бўйича проректори Қаҳрамон Шоназаров, "Ўзбекистон тарихи ва ҳуқуқ асослари" кафедраси мудираси Раҳбархон Холиқова ва бошқаларнинг чиқишларида, савол-жавобларда мамлакатимизда инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунчилик принциплари асосида амалга оширилаётган ишлар, инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси принциплари, Конституцияда белгилаб қўйилган бурчларни бажариш вақтида фуқароларнинг қонунларга риоя қилишлари, турмуш қоидалари ва маънавий қадриятларни ҳурмат қилишлари жамият манфаатлари, фуқаро ва давлат, ҳуқуқ ва бурчларнинг ўзаро узвий боғланганлиги, конституция ва қонунларимизда инсон манфаатларининг устуворлиги, кучли жамият, кучли шахс ва қонун устуворлиги ҳақида фикр юритилди.

Анжуманда талабаларнинг "Конституция ва ёшлар, "Конституцияда инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси принципларининг акс эттирилиши", "Фуқароларнинг конституциявий бурчлари" ва бошқа қатор мавзулардаги маърузалари ҳам тақдим этилди.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

МАЪРИФАТ

Ҳулкар ҲАМРОЕВА

Жамият равнақи маънавияти юксак ёшлар билан белгиланади

Истиқлол йилларида мамлакатимизда маънавий-маърифий ишлар давлат сиёсатининг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бирига айланди. Маънавият иши ўта нозик масала экан, уни замон талаблари даражасида ташкил этиш учун чуқур билим ва ҳуқуқий маданиятга, таъсирчан ҳамда самарали тарғибот усулларига эга бўлиш шартлиги бугун ҳеч кимга сир эмас.

— Маънавиятни юксалтирсак ҳамма соҳанинг юксалишига жамият равнақига замин яратган бўламиз,- дейди Фарғона вилояти, Бувайда тумани ҳокимлиги ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари Собиржон Отабоев. — Мамлакатимиздаги барча шаҳар ва туманлар қиёфасининг бутунлай янгиланганлиги жаҳон ва миллий меъморчилик анъаналари уйғунлашган замонавий услубнинг вужудга келганлиги, айниқса Қамчиқ довонида халқаро андозаларга мос келадиган, равон йўлнинг қурилганлиги Ўзбекистон давлатининг қудрати ва халқининг бунёдкорлик салоҳиятидан далолат беради. Мустақиллик йилларида Ватан тушунчасининг мазмуни янада кенгайди. Унинг маънавий-ахлоқий моҳияти ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунга ҳам эга бўлди. Зотан, Ўзбекистон давлати мустақил миллат, мустақил халқ ва буюк истиқболнинг ифодасидир. Унинг сиёсий моҳияти ва маънавий юксаклиги шу бебаҳо қадриятлар билан белгиланади. Кейинги йилларда муҳтарам Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан буюк аждодларимиз тарихи ўрганилиб, номлари қайта тикланди. Шу жумладан бизнинг Бувайда туманимиздаги XV, XVI асрларга оид тарихий обидалар — Биби Бувайда мақбараси, Бўстон бува, Подшопирим, Бандиқушод, Сўфи Азиз зиёратгоҳлари таъмирланди.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида мозийнинг ўзига хос сирсиноати яширинган. Бувайда Фарғона водийсидаги қадимий маданият ва маърифат ўчоқларидан бири. Ўтмишимизнинг мукаммал ва холис ўрганилиши натижасида аждодларимизнинг муборак номлари тикланиб, бой мероси тадқиқ қилинмоқда. Бу борадаги эзгу ишларимиз қутлуғ анъана тусини олиб, ёш авлод онгида Ватанимиз, халқимиз тарихига ҳурмат, келажагига ишонч туйғусини қарор топдирмоқда.

"Биздан озод ва обод Ватан қолсин", "Савоб ишни ҳар ким ҳар кун қилиши керак", "Фарзандларимиз биздан кўра ақлли, доно, билимли ва албатта бахтли бўлиши шарт", каби шиорлар айни мустақиллик даври қалб туғёнларининг, миллий тараққиётга даъват этувчи ҳиссиётларнинг, халқ орзу-умидларининг ёрқин ифодасига айланди.

Ўтган йили туманда янги иқтисодиёт коллежи ишга тушган бўлса, бу йил Қоратепа қишлоғида 1 млрд. 835 млн. сўм маблағ ҳисобидаги замонавий ва муҳташам тиббиёт коллежи ўқувчиларни қабул қилди. Тумандаги 12-, 21-, 41-, 46-мактаблар Давлат дастури асосида тўлиқ таъмирланди. 2-иқтидорли болалар мактаб-интернати ўқувчилар жамоаси "Сиз қонунни биласизми?", "Ўйла, изла, топ" республика танловларининг ғолиби бўлишди.

Шу мактаб ўқувчиси Шаҳбоз Ҳайдаров Конституциянинг 16 йиллигига бағишланган республика танловида 1-ўринни эгаллади. Болалар спортини ривожлантиришдаги изланишларимиз ҳам самарали кечмоқда. Дилшод Турдиев кураш бўйича ўсмирининг зиммасида эканлигини ҳис қилиб улғайяптилар. Юртбошимиз кириб келаётган 2009 йилни "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" деб эълон қилганларида шахсан мен тўлқинланиб кетдим. Демак, келгусида қишлоқ ёшларига янада кўпроқ имкониятлар яратилади, уларга бўлган эътибор ва ғамхўрлик кучаяди.

Юртни яшнатиш ва обод қилиш, боғу-бўстонга айлантириш каби улуғ мақсадларни амалга ошириш фарзандлари истиқболига умид кўзларини тикиб турган мустақиллик берган ҳурлик ва эркинликни қадрлайдиган орзулари баркамол халққа хос фазилатдир. Юксак маънавият ва маърифат, соғлом ғоя, таъсирчан сўз, адабиёт ва санъат кирган қалбга ҳеч қачон жаҳолат яқинлаша олмайди. Маънавият сарчашмаларидан баҳраманд бўлиб ўсаётган авлод доимо руҳан тетик ва интилувчан бўлади, жамият тараққиётига улкан ҳисса қўшади.

ИМКОНИЯТ

1948 йил 10 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеяси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясини тасдиқлаган ва эълон қилган эди. Мазкур декларацияда белгилаб, мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари Бош Қомусимизда ҳам ўз ифодасини топган. Давлатимиз раҳбари олиб бораётган изчил ва оқилона сиёсат туфайли деярли барча соҳалар қайта ислоҳ қилинмоқда. Албатта, бу ислоҳотлар энг аввало фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини биринчи ўринга қўяди.

Инсон ҳуқуқи — олий қадрият

Зарифа ТЎКАЕВА,
тарих фанлари номзоди

Инсон ҳуқуқлари учун кураш ҳамма вақт яккаҳокимлик ва адолатсизликнинг барча шаклларига: қуллик, мустамлакачилик, апартеидга қарши кураш бўлиб келган. Бугунги кунда унинг долзарблиги камайган ёки моҳияти ўзгарган эмас. Инсон ҳуқуқлари масаласи ҳозирги кунда инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир. Инсон ҳуқуқларини таъминланганлик даражаси давлатда мавжуд бўлган демократия билан белгиланади. Инсон ҳуқуқлари айрим мамлакатларда демократик ҳуқуқий давлатни барпо этиш сиёсати самарадорлигининг ўзига хос кўрсатгичи ҳисобланади.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини мустаҳкамлашга доир кўплаб амалий ишлар қилинди. Муҳими, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини тобора мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун ҳал қилувчи омиллар, жумладан халқ ҳокимиятчилиги, давлатнинг инсон олдидаги масъуллиги белгиланди.

Мамлакатимиз Конституциясида ифода этилган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари турмуш тарзининг барча қирраларини қамраб олади. Бундай конституциявий кафолатлар кишининг жамиятдаги ўрни, сиёсий муносабатларда тўлақонли иштирок этиши, фуқароларнинг маънавий ва моддий эҳтиёжларини қондиришга замин яратади, маданий-маънавий озуқа олиш имконини беради. Шу ўринда юртимизда истиқлол шарофати билан айрим ҳуқуқ ва эркинликларимиз конституциявий асосда мустаҳкамланди. Масалан, кўпчилик ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлар: мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи, ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, адолатли меҳнат шароитларида яшаш ҳуқуқи Конституциямизда илк бор белгиланди. Бошқа ҳуқуқ ва эркинликлар, жумладан, меҳнат ҳуқуқи, таълим олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминот ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги каби ҳуқуқлар мазмунан бойитилди ва такомиллаштирилди, яъни илмий-техникавий ижод эркинлиги мафкуравий биқиқликдан озод қилинди.

Конституциямизнинг 36-моддасида "Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли, банкка қўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланади" дейилади. Ушбу норма мазмунан Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 17-моддасига тўла мувофиқ келади. Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, мулк ҳуқуқи мамлакатимизда Конституциявий даражада илк бор нормаланди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, инсон ҳуқуқлари доирасида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар муҳим ўрин тутади. Бу ҳуқуқлар инсон фаолияти билан узвий боғлиқ бўлиб, унинг яширин, очилмаган имкониятларини юзага чиқаради, пировардида уни оддий инсондан шахсга айлантиради.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи Конституциямизнинг 37- моддасида кенгроқ тарзда ифодаланади: "Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир. Суд ҳукми билан тайинланган жазони ўташ шарти билан ёки қонунда кўрсатилган бошқа ҳоллардан ташқари мажбурий меҳнат таъқиқланади". Энг аввало, битта жиҳатга эътибор бериш керакки, бугунги кунда меҳнат қилиш бурч бўлмай, балки ҳуқуқнинг бир кўринишидир.

Ўзбекистон бугунги кунда Халқаро Меҳнат Ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоси ҳисобланиб, у томонидан ишлаб чиқилган конвенция ва тавсияларни бажариб келади. Юртимизда саховат, меҳр-мурувват, кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексаларга давлат ва жамоатчиликнинг алоҳида қарови каби боқий қадриятларимиз давом этиб келмоқда.

Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларациясида ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқларини амалга ошириш ҳар бир шахснинг ўзига боғлиқ.

ЖАРАЁН

Барқарорлик

унга тўғри танланган йўл ва ислоҳотлар омил бўлди

Ситорабону ҚОДИРОВА,
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети талабаси

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси ва раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ўзига хос ва ўзига мос жиҳатлари ҳақида гап кетганда - ислоҳот ислоҳот учун эмас, аввалр инсон ва унинг бахт-саодати учун деган тамойил ва амалиёт кўз олдимизда яққол гавдаланади. Иккинчидан, истиқлолнинг илк йиллариданоқ давлат бош ислоҳотчи тамойили ҳаётга татбиқ қилинди. Учинчидан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар чуқур миллий руҳ билан суғорилганлиги билан ҳам ажралиб туради. Чунки, ўзбек халқининг менталитети, урф-одатлари ва анъаналари ҳамда оила муҳити, болажон халқ эканлигини, айниқса ижтимоий соҳа ислоҳотларида ҳисобга олинганлиги – халқимиз руҳини кўтарди, рўзғорини бут, ҳаётини фаровон қилди. Халқимиз халқ бўлиб, рўшнолик кўрди ва ўз ҳаётидан рози бўлиб яшамоқда. Пировардида мамлакатимизда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган ислоҳотлар модели ўзини тўла оқлади.

Ер ва сув деҳқон қўлига ўтди. У – фермер бўлди. Ернинг эгаси ким – фермер, мулкнинг эгаси ким – акциядор, ишбилармон. Банк кимга хизмат қилмоқда – мижозга. Бу ортга қайтмас жараёнми? Худди шундай. Ким кафолат? Мамлакат Президенти, қабул қилинган қонунлар. Ана шу қисқа сатрлар ортида истиқлолнинг ўтган йилларидаги заҳматли меҳнат, ташаббус, интилиш мужассам.

Ҳар қандай шароитда халқ манфаатларидан келиб чиқиб иш кўриш, одамларга муносиб турмуш шароитларини яратиб бериш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги барча ютуқларимиз омили бўлмоқда. Энг муҳими, эски замонда қолган боқимандаликка йўл қўймаслик, ишбилармонларга, кичик ва ўрта бизнес вакилларига кенг шароит ва имконият яратиш бўйича мамлакатимизда салмоқли ташкилий ва ҳуқуқий база яратилди. Бу одамларнинг ижодий ва яратувчанлик салоҳиятини юзага чиқиши, ташаббускорлик ва интилишни кучайишига олиб келди. Бугунги кунда ўзбек фирма ва компаниялари, завод ва корхоналари дунё бозорида рақобатбардош маҳсулотлари билан етарли нуфузга эга бўлиб бормоқдалар.

Амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар туфайли аҳолининг турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Давлат статистика қўмитаси эълон қилган рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак қуйидаги манзарани кўришимиз мумкин. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра аҳолининг реал даромадлари 2007 йил январь-сентябрь ойларига нисбатан 24,4 фоизга ошган. Жон бошига ҳисоблаганда аҳолининг номинал пул даромадлари 579,1 минг сўмга етган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 30,9 фоиз кўпдир. 2008 йилнинг 1 октябрида ўртача ойлик маош 298,6 минг сўмни ташкил қилган. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 57,4 фоизга кўпдир. Йил бошидан буён Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан маош, нафақа, пенсиялар ҳамда энг кам иш ҳақи уч маротаба оширилган.

Ҳозир бутун жаҳонда молия инқирози кескин тус олди. Халқимизни ушбу инқирознинг салбий оқибатларидан ҳимоя қилиш борасида Президентимиз ташаббуси билан зарур чора-тадбирлар белгиланди. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 16 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида жумладан шундай дедилар: **"Биз танлаган тараққиёт модели, мамлакатни ислоҳ этиш, модернизациялаш, техник ва технологик янгилаш, иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича амалга оширилаётган пухта ўйланган сиёсат бугунги кунда ўз самарасини бермоқда, деб айтишга барча асосларимиз бор. Ва бу сиёсат юртимизни турли салбий жараёнлар ва инқирозлар таъсиридан сақлайдиган мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситаси бўлиб хизмат қилмоқда".**

Шунингдек маърузада қуйидаги рақамлар тилга олиб ўтилди. 2008 йил мобайнида тижорат банклари жами капиталининг тўртдан уч қисмини ўзида бирлаштирган саккизта етакчи тижорат банкининг умумий капитали ҳажми 42 фоизга ошиб, 2010 йилда бу кўрсаткич икки бараварга ошиши кўзда тутилган. Тижорат банкларининг активлари миқдори, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ шаклланган заҳираларни ҳисобга олган ҳолда, 13 триллион 360 миллиард сўмдан ошган. Мамлакатимиз ҳудудларида Микрокредитбанкнинг 78 та филиали ва 270 дан зиёд минибанки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғини кредитлар билан таъминламоқда. Президент Фармони билан Микрокредитбанк устав жамғармасини 72 миллиард сўмга ошириш ва унинг ҳажмини 150 миллиард сўмга етказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Жорий йил охиригача 1,5 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар ўзлаштирилади. 2008 йилнинг 11 ойи давомида мамлакатимизда инфляция даражаси 6,6 фоизни ташкил этди, умуман, йил давомида бу кўрсаткич 8 фоиздан ёки жорий йил прогноз кўрсаткичларидан ошмайди.

Мазкур рақамлар биринчидан, Ўзбекистонда мустаҳкам банк-молия тизими шакллантирилганлиги ва мустаҳкамланганлигини билдирса, иккинчидан аҳолининг банклардаги омонатлари ҳимояланганлигини кўрсатади. Бир сўз билан айтганда мамлакатимизнинг иқтисодий ва ижтимоий барқарорлиги ва ривожи учун барча шароитлар мавжуд.

НАЗОРАТ

Олмоқнинг бермоғи бор

Расул КАМОЛ,
"Туркистон-пресс"

Фарғона тумани электр тармоқлари корхонаси томонидан электр энергиясидан ноқонуний фойдаланиш, электр ҳақини ўз вақтида тўламаслик ҳолатларини олдини олиш, бу каби ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширган мижозларга қонуний чора кўриш борасида бирмунча амалий ишлар қилинмоқда.

Жойларда махсус ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилиб, рейдлар, назорат текширувлар ўтказилмоқда. Энг муҳими айрим мижозлар электр энергиясидан фойдаланишни билишади-ю, тўловига келганида турли баҳоналарни рўкач қилишдан бошқасини билмайди. Яқинда ўтказилган рейд давомида Сойбўйи маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Иброҳимжон Ўлмасов ўзбошимчалик билан ҳисоблагичдан ташқари электр манбаига уланиб олгани маълум бўлди. Аниқланган ҳолат юзасидан тегишли чора кўрилиб, ноқонуний йўл билан фойдаланилган электр сарфи учун 400 минг сўм жарима солинди. Эргашали Аҳмедов ҳам устасифаранглардан чиқиб қолди. У ҳам ҳамқишлоқларини лақиллатиб электр ҳисоблагичдан ташқари манбаага уланиб олганида тумшуғидан илинди. Бундан ташқари туман халқ таълими муассасалари бошқаларга ибрат бўлиш ўрнига ёмон "ном" чиқаришни одат қилиб олишмоқда. Таълим тармоқларининг электрдан бўлган қарзи 9 миллион 77 минг сўмни ташкил этаётганига нима дейсиз? "Чимён" машина трактор парки 10 миллион 300 минг сўм, "Фарғона" МТПси эса 5 миллион сўмдан ортиқ қарзини узиб қўйишни хаёлларига ҳам келтиришмайди.

– Туман аҳолисининг электр энергиясидан бўлган дебиторлик қарзи ўтган йилнинг шу вақтига нисбатан 118 миллион сўмга камайтирилди, – дейди туман электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Шерхон Баратов. – Лекин бу мавжуд муаммони ҳал этишга ёрдам бермайди. Айни кунда туман ҳокимлигида коммунал тўловларни ундириш, ноқонуний истеъмолчиларга қонуний чора кўриш юзасидан коммунал тўловлар мониторинг маркази иши йўлга қўйилди. Бундан ташқари тўлов муддатларини кечиктириб юборган 511 та юридик ва 132 та улгуржи истеъмолчиларнинг 169 миллион 180 минг сўмлик муддати ўтган қарзларни ундириш бўйича солиқ органлари орқали хўжалик судларига берилди.

Халқимизда олмоқнинг бермоғи ҳам бор, деган пурҳикмат нақл бор. Шундай экан, беминнат дастёр, кундалик ишимиз, рўзғор юмушларимизда бакор келаётган электр ҳақини ўз вақтида тўлашни унутмайлик.

ОГОҲЛИК

Ёнғин — тилсиз ёв

Ш.ЗИЯЕВ,
12-ХЁХО кичик инспектори

Вазирлар Маҳкамасининг "Ёнғин хавфсизлиги ойлигини ўтказиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан жойларда, аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қонун-қоидаларини тушунтириш ва уларга риоя қилиш бўйича учрашувлар ташкил этиляпти.

Аммо, ҳамма ҳам ёнғин хавфсизлиги қоида, талабларига эътибор билан қарайди, деб бўлмайди. Ана шундай эътиборсизлик оқибатида кутилмаган кўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқмоқда.

Баъзан ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари хизмат тақозоси билан корхона, ташкилот, хонадонларда текширув ўтказганларида уларнинг эгалари ёнғин келтириб чиқариши мумкин бўлган носозликлар, айниқса электр асбобларидан фойдаланишдаги эҳтиётсизликларини яширишга уринадилар. Масалан, қўлбола иситиш усуллари ва бошқа мосламаларни бепарволик билан ишлатишади. Шунингдек, кўп қаватли уйларда асосан ошхоналардаги газ плиталарини ўзбошимчалик билан ҳеч қандай рухсатсиз айвонга кўчириб ўтказиш ҳолатларини кузатиш мумкин.

Бу эса ўз оиласи, қўни-қўшниларнинг ҳаётини хавф остига қўйиш демакдир. Афсуски, кўпинча фуқаролар ўз ҳаракатларининг нотўғрилигини билишса-да қўл силташдан нарига ўтишмайди. Бундай хонадон эгалари қонун-қоидалар ҳамда меъёрларни жумладан "Қурилиш меъёр қоидалари", "Газдан фойдаланиш қоидалари"га кўпда риоя қилмайдилар. Халқимиз орасида "Ёнғин — тилсиз ёв" деган мақол безишга айтилмаган. Ёнғин фавқулодда ҳодиса бўлсада, лекин унинг олдини олиш ўз қўлимизда.

ҚУТЛОВ

Азиз ватандошлар кириб келаётган 2009 - "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" билан барчангизни "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ кўп минг сонли жамоаси аъзолари номидан самимий муборакбод этамиз.

Янги йилда ҳам аҳолига юксак ва малакали хизмат кўрсатишдан мамнунмиз.

Ўз фаолиятида замонавий ахборот технологияларини жорий қилаётган почта хизматидан фойдаланинг.

ЯНГИ ЙИЛДА ЮРТИМИЗ ТИНЧ, ОСМОНИМИЗ МУСАФФО, ҲАЁТИМИЗ ФАРОВОН БЎЛСИН!

ИЖРО

Фаровонлик оила тўкинлигига боғлиқ

Қарор ана шунга хизмат қилмоқда

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Президентимизнинг "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори чорвачиликнинг дастлабки ривожини намоён этган бўлса, жорий йилнинг апрелидаги Қарор чорвачилик билан шуғулланаётган фермер ва якка тартибдаги шахсларга кенг йўл очиб, чорвадорлар имкониятларини кенгайтирди.

Қарор ижросини таъминлаш юзасидан Қашқадарё вилоятида ҳам бир қатор режали ишлар амалга оширилмоқда. Китоб туманида омухта ем, шрот ва шелуха сотиш бирлашмаси" ташкил этилиб, унинг 17 та махсус шахобчалари фаолият кўрсатмоқда. Туман бирлашмаси томонидан 3 ой давомида 532 тонна омухта ем, 1176 тонна шрот, 802 тонна шелуха маҳсулотлари туман аҳолисининг чорва молларига, ихтисослашган фермер хўжаликларига етказиб берилди. Етказилган маҳсулотлар ҳисобидан аҳолига 341 миллион 534 минг сўм пуллик хизмат кўрсатилди. Шундан 327.127.0 минг сўм нақд пул банкка топширилди. Бирлашма ва 4 та шахобча компьютер билан жиҳозланди. Барча шахобчаларга солиқ инспекцияси рўйхатида қайд этилган касса аппаратлари ўрнатилди. Шаҳрисабз "Омухта ем, шрот ва шелуха сотиш бирлашмаси" ва унинг 18 та махсус шахобчалари талаблар асосида жиҳозланиб, аҳоли ва чорвачилик фермер хўжаликларига намунали хизмат кўрсатмоқда. Шахобчалар аҳоли учун қулай жойларда қурилди. Ва зарурий шароитлар яратилди. Шахобча мудири ва сотувчилари махсус кийим-кечаклар билан таъминланди. Ёнғин хавфсизлиги ходимлари томонидан барча керакли жиҳозлар, тош-тарозилар меъёрий кўриклардан ўтказилиб, намунали хизмат кўрсатиш масканига айлантирилди.

- Бирлашмамиз 3 ойдирки фаолият кўрсатмоқда,-дейди жамият раиси Суннат Сатторов. - Шу даврда 1685 тонна маҳсулот тарқатилди. Бунинг эвазига 220 миллион 480 минг сўм нақд пул тушумига эришилди.

Қарор ижроси, биринчидан, аҳолининг омухта емга бўлган эҳтиёжини қондирса, иккинчидан, нақд пул тушумини таъминламоқда. Чироқчи вилоятда аҳолиси кўп ва шунга яраша чорва моллари сони ҳам салмоқли туманлардан ҳисобланади.

Туманда 20 дан ортиқ махсус шахобчалар фаолият кўрсатмоқда. Бирлашмага қарашли 3-сонли "Дам" шахобчаси162 нафар фермер хўжаликлари, 1935 хонадоннинг 2926 шартли молларига омухта ем етказиб бермоқда. Аҳоли чорва моллари сони маҳалла фуқаролар йиғинлари, туман статистика бўлими орқали аниқланиб, эҳтиёжи таъминланмоқда.

- Қишлоқда яшовчи аҳоли оилаларида чорвачилик ва паррандачиликнинг рағбатлантирилиши айни муддао бўлди,- дейди бирлашма раиси Шавкат Жонлиев. -Шу боис бозорларимизда гўшт, сут, тухум маҳсулотлари анча арзон. Дарҳақиқат, Шавкат ака ҳақ гапни айтди: чорваси бор элда тўкинчилик бўлади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг мувофиқлаштирувчи кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди

Кенгаш йиғилишида Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизматининг масъул ходимлари иштирокида диний экстремизм ва терроризм билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш, тергов қилиш, қидирув ишларини юритиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 6 сентябрда қабул қилинган "Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида"ги Фармони ижросини таъминлашга оид масала муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, бу борада муайян ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, бу турдаги жиноятларнинг олдини олиш, экстремистик оқим таъсирига тушиб қолган шахсларни аниқлаш ва уларни тузалиш йўлига йўналтиришда мавжуд имкониятлардан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги танқид остига олиниб, бу борада прокурор ва идоравий назоратни кучайтириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Кун тартибидаги масала бўйича йиғилишга таклиф этилган вилоятлар прокуратуралари ва уларга тенглаштирилган прокуратуралар, ички ишлар бошқармалари ва бошқа тегишли органларнинг соҳа учун масъул раҳбарлари ахборот бердилар.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва соҳада фаолият самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли идоралар олдига қатъий талаблар қўйилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилиниб, ижросини таъминлаш учун жойларга юборилди.

(ЎзА)

ҲАМКОРЛИК

Тиббиёт муассасаларига ёрдам

"Лукойл оверсиз" компанияси Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизими муассасаларига рентген-флюорография ускуналари билан жиҳозланган автомобилларни беғараз ёрдам сифатида топширди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг биринчи ўринбосари А.Икромов Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик барча жабҳаларда, жумладан, гуманитар соҳада ҳам изчил ривожланиб бораётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида бошқа соҳалар қатори тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар аҳолини тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш, соҳага замонавий технологияларни жалб этиш, бу борада халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлаётир.

"Лукойл оверсиз" компанияси тақдим этган рентген-флюорография ускуналари билан жиҳозланган еттита "КамАЗ" автомобили юртимизда тиббий хизмат кўрсатишни янада юксалтиришга ҳисса қўшади.

- Компаниямиз Ўзбекистон билан нафақат нефть-газ саноати, балки бошқа соҳаларда ҳам ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор билан қарайди, - деди "Лукойл оверсиз" холдинг компанияси вакили Сергей Никифоров. - Ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлигимиз изчил тараққий этишига ишонамиз.

(ЎзА)

МАЪНАВИЯТ

МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

Алишер РАҲМОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ноёб дурдоналар

улар миллий санъатимизнинг илдизларидир

Ватанимизнинг энг сўлим ва энг хушманзара гўшаларидан бири тоғ ён бағрида жойлашган Бойсун тумани илк баҳор кунларида ажойиб манзара касб этади. Пурвиқор тоғлардан оқиб тушаётган зилол сувларнинг шарқираши инсон қалбини завққа тўлдириб, шалоладек мавжланади. Бойсун ўзининг бетакрор табиати билан бирга, катта тажрибага эга бўлган санъаткорлар юрти эканлиги билан ҳам кўпчиликка маълум. Ана шундай зебо гўшада юракларга туғён солувчи "Шалола" ансамбли бундан 40 йил аввал ташкил топганди. Ўтган давр мобайнида ансамбл катта тажриба тўплади, санъат сирларини мукаммал ўрганди, халқ ижодиётига чуқурроқ кириб борди. Тинимсиз изланишлар натижаси ўлароқ астасекин муваффақиятларни қўлга кирита бошлади. Шундан сўнг ансамбл қошида "Бойсун" фольклор-этнографик халқ ансамбли ҳам ташкил этилди.

Польшада бўлиб ўтган тоғли ўлкаларнинг 8-халқаро фестивалида ансамбл аъзолари иккинчи ўринли "Кумуш болта" мукофотининг совриндори бўлди. Бундан ташқари гуруҳ аъзолари Англия, Болгария, Туркия каби давлатларда ўтказилган халқаро фестивалларда ҳам муваффақиятли қатнашиб, ўзбек миллий санъатини дунёга кенг намойиш этдилар. Ансамблнинг асосий мақсади халқимизнинг унутилмас мероси бўлган мақомларимиз, мумтоз куй-қўшиқларимиз ва анъанавий мусиқа меросимизни ўрганиб, уни келгуси авлодга қолдиришдан иборат.

- Ижодий жамоамиз аҳил ва иноқ. Уларнинг аҳиллиги туфайли жамоамиз турли кўрик танловларда фахрли ўринларни эгаллаб келаяпти. Айниқса ўтган йили бўлиб ўтган "Самарқанд садолари" Республика кўрик танловида жамоамиз 1-ўринни эгаллади. Бундан ташқари ансамблимизнинг юксак давонларни босиб ўтиб, машҳур бўлишига кекса устоз санъаткорларимизнинг беминнат хизматлари борлигини алоҳида эътироф этиш лозим. К.Абулхаев, З.Умаров, О.Муқимов, Х.Хурсандов, Х.Насриддинов, Р.Дониев, Р.Абдурахимов ва бошқалар номларини бугун кўпчилик санъат муҳлислари фахр билан тилга олишади,-дейди "Шалола" ашула ва рақс ансамблининг бадиий раҳбари Ҳабиб Умаров.

Шунингдек, Абдунаби Қодиров бадиий раҳбарлик қилаётган "Бойсун" фольклор-этнографик халқ ансамбли фаолияти билан ҳам яқиндан танишдик. Мазкур ансамбл тумандаги энг намунали ансамбллардан ҳисобланади. Бойсун минтақасида халқ оғзаки ижоди анъаналари ниҳоятда бойлиги, номоддий ва оғзаки дурдоналарнинг ранг-баранглиги ҳамда барча ижодий материаллар айнан Бойсун ҳудудидан териб олинганлиги боис "Бойсун" фольклор-этнографик ансамбли деб номланган. Ансамблнинг юқори натижаларга эришишининг асосий сабабларидан бири, куй-қўшиқ, рақс, либлослар ва ижро маҳоратининг уйғунлигидадир. Бойсун маданий муҳити, унинг санъатдаги нуфузи бевосита "Бойсун" фольклор-этнографик халқ ансамблининг самарали ижодий жараёнига ҳам боғлиқдир. Масалан: қадимда "Бойсунча мавриги", "Чоркарсак" метарчи (сурнайчи) томонидан ижро этилган. Ундаги ўзига хослик ва мусиқий йўналишларнинг ёқимлилиги ва ширинлиги Бойсун минтақасига хослиги билан ажралиб туради. "Бойсун" фольклор-этнографик халқ ансамблининг таркиби юқори тажрибага эга бўлган санъаткорлардан иборат. Улар томонидан ижро этилаётган"-Бойсунча ёр-ёр", "Чавки тўйи" каби янги дастурлар кўпчилик муҳлислар қалбидан жой олмоқда. "Бойсун" фольклор-этнографик халқ ансамблининг хайрли ишларидан бири улар ижро этаётган фольклор мероси, куй-қўшиқлар нафақат катта ёшли одамлар, балки ёшлар қалбидан ҳам ўрин олиб келаётганлигидадир. Туман ёшларининг фольклор қўшиқларга қизиқишини эътиборга олиб, туман маданият уйи қошида "Қуралай" болалар фольклор-этнографик намунали халқ ансамбли ташкил этилган. 1991 йилда ташкил этилган мазкур ансамбл таркибида 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ёш ҳаваскор ижрочилар, созанда, хонанда ва рақкосалар фаолият кўрсатмоқда. "Қуралай" болалар фольклор-этнографик намунали халқ ансамблининг миллий либослари ҳамда улар томонидан ижро этиладиган куй-қўшиқ ва рақслар ўзида сурхон воҳасига хос бўлган урф-одат ва маросимларни мужассамлаштирган. Ансамблнинг либосларига назар ташлар эканмиз, ўзимизнинг миллий кийимларимиздан келиб чиққан ҳолда каштали кийимлар, лолагул дўппилар, попуклар, ковуш ва мўккилардан иборат.

- Ансамблимиз ижодий фаолияти давомида республикамизда ўтказилган турли кўрик танловларда қатнашиб, яхши натижаларга эришиши билан бир қаторда, кўплаб ижодий сафарларга ва халқаро фестивалларда ҳам иштирок этиб келяпти. Ёш ижрочиларимиздан Мунаввар Ашурова, Шоира Ҳамидова, Анвар Бобоқулов, Бобуржон Худойқулов, Ҳусниддин Хурсандов, Замира Норматоваларнинг ижро маҳоратидан кўпчилик муҳлисларимиз мамнун,-дейди "Қуралай" болалар фольклор-этнографик намунали халқ ансамблининг бадиий раҳбари Усмон Йўлдошев. - Бойсунда катта тажрибага эга санъаткорлар муҳитининг пайдо бўлиши ва шаклланишида тумандаги "Ҳамза" номидаги 6-сон болалар мусиқа мактабининг ўзига хос ўрни бор.

Санъатнинг ажиб сеҳри бор. У ҳар қандай қалбга йўл топа олади. Қўшиқ кирган қалб ҳамиша уйғоқ ва руҳан баркамол бўлади. Санъат инсонни эзгуликка ундайди. Ана шу эзгулик сари ҳар бир санъаткор эл олдидаги эъзозини ва қадрини тиклайди. Бинобарин эл олқишига сазовор бўлаётган хушовоз хонандалар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Сайёра Қозиева ва Сайёра Қосимова, ЮНЕСКО грантининг совриндори Умиджон Туропов, хушовоз санъаткорлардан Салом Ҳусанов, Собир Йўлдошев ва бошқалар айнан Бойсундаги мусиқа мактаби даргоҳидан ўсиб чиқиб, муҳлислар қалбидан жой олишган.

Таъкидлаш жоизки, бойсунлик санъаткорлар ўзларининг ижро йўналишлари билан бирга, бир неча кинофильмларда ҳам қатнашиб келаяптилар. Хусусан улар иштирок этган "Бойсунда қор эриганда", "Унутилмас қўшиқлар", "Тандир, арча, олов", "Дилхирож" фильмлари то ҳануз суюб томоша қилинмоқда.

МУТОЛАА

Султонмурод ОЛИМ

Иштиёқ

Зиёвиддин М а н с у р. ТЎТИЁ."Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририяти. Т.: 2008; **ЭЗГУЛИК ЭЛЧИСИ.** Шеърлар. "Наманган" нашриёти. 2008.

Умр – барибир, ўткинчи. Лекин баъзиларда шуни жуда оғир олиш бор. Яъни орамизда ҳали қаримай, қалбан чўкиб қолган одамлар ҳам топилади. Бу диний жиҳатдан ҳам, дунёвий нуқтаи назардан ҳам тўғри эмас. Инсон сўнгги нафасгача шукрона билан яшаши керак. Шукронаси бор қалб эса қаримайди. Қалбнинг қаримаганини унинг иштиёқи сўнмаганидан билиб оламиз.

Шеър – айнан иштиёқ маҳсули. Ҳаётга, яшашга, яратишга иштиёқ қўлга қалам тутқазади. Айрим ижодкорларда, аксинча, айнан ёш улғайгани сари бадиий дурдоналар яратишга завқшавқ ошгандан ошиб бораверади.

Наманганда яшаб ижод қилаётган Зиёвиддин Мансур – айнан ана шундай шоирларимиздан.

Шеърларида кўтаринки кайфият, озгина публицистика, бироз ҳазилга мойиллик устун. Тинмай изланади, турли-турли бадиий йўл, восита ва усуллар топишга интилади.

Ватан ҳақида ёзмаган шоир йўқ. Бироқ З. Мансурнинг "Ўзбекистон" қасидасида юрт тўғрисида ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ўхшатиш, таъриф ва мадҳлар топамиз:

– Пайҳон этолмасин, – деб ёвлар
Гирдин
Дарё,
Тоғлар билан ўраб қўйгандир...

Кўрган ёқасига осилавериб,
Охири ёқасиз яктакка ўтган...

Дунёнинг бирон-бир мамлакатида
Номига "бек" сўзи қўшилган халқ йўқ...

Қуёш нури етмас овлоқларга ҳам
Ўзи етмаса-да, сўзи етгандир...

Тўмарис довруғин айласам достон,
Таъзимга келарди Жанна д'Арк ҳам...

Атайлаб бошқа-бошқа бандлардаги шундай оҳорий мисраларни юлиб олиб келтирдик. Билиниб турибдики, она юрт шоир қалбига ҳеч кимдагига ўхшамайдиган илҳом ва туйғу уйғотган.

Муаллиф – оддий, одатий воқеа-ҳодисалардан кутилмаган маъно-мазмун топиб, ўзича талқин этишга уста. Фикримизга ишонишингиз учун "Қарғалар" шеърини тўлиқ келтириш керак бўлади:

Бу дунёда ҳеч битта одам
Номи, иши кетмас бедарак.
"Қар-р-қар-р" этган қарғаларни ҳам
Шу маънода англамоқ керак.

Она юртга
Булбул,
Саъвалар
Келса борлиқ гуллаган пайти,
Қаҳратонда эса
Қарғалар
Қора кийиб бекор келмайди.

Қулоқ солинг,
Улар басма-бас
"Диёр-р" деб мадҳ ўқишмас бежиз,
Юртдаги гўнгни ҳам муқаддас
Нон ўрнида чўқишмас бежиз...

Эвоҳ!
Кабир гуноҳга ботган
Кимсаларнинг оҳ-воҳи улар,
Бир замонлар ўз юртин сотган
Хоинларнинг арвоҳи улар.

Қилмишидан ранжиб чинакам,
"Қар-р-қар-р" этиб оҳ-фарёд урар.
"Она юртнинг қаҳратонин ҳам
Севинглар!" – деб тинмай ҳайқирар

Мумтоз адабиётимизда тажоҳули орифона, яъни билиб, билмасликка олиш санъати бор. Лирик қаҳрамон қарғанинг сотқин ҳам, хоинларнинг арвоҳи ҳам эмаслигини яхши билади. Лекин уларнинг қишдагина юртимизга келиши, қоралиги мантиқан унга ватанфурушларга нисбатан нафратини ифодалаш учун имкон берган. Шеър дегани шу-да.

Шоирнинг бадиий топилдиқлари баъзан – "Навбаҳор" шеъридагидек, ҳар банд охирида бир янги, оҳорий ўхшатиш ишлатишда намоён бўлади:

...Қиш гўё ёвуз бир салтанат бўлса,
Баҳор табиатда исён фаслидир.

...У – зулмат душмани бўлган офтоб
Қора булутларга отаётган ўқ.

...У эрк йўлларида жон таслим қилган
Фарзандлар-чун фалак тўкаётган ёш.

...Пистирмадан чиққан аскарлар янглиғ
Яшиллик бостириб келар ҳар ёндан.

У ушбу чўққи ҳам эгалланди, деб
Навбаҳор қир узра қадаган байроқ.

Бу ерда ўхшатиш ўхшатиш учун атай ўйлаб топилган эмас. Навбаҳорни, баҳонада уни бағрига олган гўзал юртни, ҳаётнинг ўзини севиб қоласиз. Шу тариқа вужудингизда тириклик завқи жўш уради.

Мумтоз шеъриятимизда янги бир радиф топиб, шу асосда яхши ғазал яратган муаллиф ҳам юксак қадрланган. Чунки радиф дегани тилимизда ошиб-тошиб ётгани йўқ. Унча-мунча сўз радифга тушавермайди-да. Аммо З. Мансурнинг "Ҳайрат" ғазалидаги радиф – топилма:

Тўлибсиз Ой каби, эркам,
Ажабким, воажабларким,
Бўлибсиз бунчалар там-там,
Ажабким, воажабларким.

Бир пайтлар одамлар Қуёш Ер атрофидан айланади, деб ўйлаган. Майли-да. Ахир, кундузлари Офтоб бизга меҳмонга келади-ку. Лекин шоир наздида Ўзбекистон бу жиҳатдан бошқа юртлардан тамом ажралиб туради – бизда Қуёш – меҳмон эмас, аксинча, мезбон:

Бежиз бунда Қуёш мезбон
Яралмаган, биродарлар

Шу ютуқлари дилга калом завқини улашганидан кейин бу икки тўпламда битта-ярим кучсизроқ ёки илҳомсизроқ ёзилган шеърлар учраса ҳам, кўриб, кўрмаганга олгинг келади...

КАДРЛАР — МИЛЛАТ ҚАНОТИ

Парда ЖУМАЕВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бу ерда бўлажак кончи ва саноатчилар тайёрланади

энг муҳими битирувчиларнинг бирортаси ҳам ишсиз қолмаяпти

Бу ўқув юрти шонли тарихга эга. Дастлаб ушбу ўқув даргоҳи Навоий кон-металлургия комбинати ўзининг олтин ва бошқа қимматбаҳо металларини ишлаб чиқара бошлаган даврдан 5 йилча аввал 1963 йилда Ўрта Осиё политехникумининг негизида ўқув маслаҳатхона пункти сифатида ташкил этилган эди.

Мустақиллик даврида, аниқроқ айтганда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури қабул қилингач, Навоий политехникуми Навоий конметаллургия комбинатига малакали ишчи кадр ва мутахассислар етиштириб берувчи Навоий кончилик коллежи деб қайта ташкил этилди. Ўтган 45 йил ичида ўқув даргоҳи вилоятдаги йирик саноат корхоналари учун 25 та йўналиш бўйича 23 минг нафардан ортиқ малакали мутахассис ишчи кадрларни тайёрлади. Жумладан, "Навоийазот" ОАЖда 50 нафардан зиёд, Навоий Машинасозлик заводида 810 нафар, Марказий кон бошқармасида 1300 нафар, 1-Гидрометаллургия заводида 230 нафар, Навоий конметаллургия комбинатининг турли бўлимларида 400 нафарга яқин ишлаётган кадрлар айни пайтда шу ўқув юртининг битирувчиларидир.

2008-2009 ўқув йилида 14 та йўналиш бўйича 19 та мутахассислик учун машғулотлар олиб борилмоқда, 87 нафар педагог ва 33 нафар ишлаб чиқариш таълими таълим устаси бу иш билан машғул. Ўқув ишларини амалиёт билан боғлаш мақсадида ҳамма фанлар бўйича ўқув лабораториялари ташкил этилган. 35 та фан хоналари тўлиқ кўргазмали қуроллар ҳамда замонавий асбобускуналар билан таъминланган.

Коллежда ўз анъаналарига содиқ жуда ишчан ва аҳил жамоа шаклланган. Бу ерда "Халқ таълими аълочиси" Т.Петрик, "Ўрта махсус таълими аълочиси" Л.Анциферова "Шуҳрат" медали совриндори С.Саломоваларнинг маҳорат мактаби бор. Жамоа ўқув масканида узоқ йиллар ишлаб эндиликда коллеж фахрийларига айланган Т.Романская, Л.Маслова, А.Попкова, А.Вертеева, Т.Браваславская, А.Гусеева изидан бораётган моҳир педагоглар А.Вехова, П.Петров, А.Кравцова, Р.Гаранина, В.Брагинская, Н.Михайловский, Л.Дуккартлар тажрибаси билан уйғунлашиб кетган. Ҳозир педагог жамоанинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Улар кекса авлод анъаналарини давом эттирмоқдалар. Эътибор берган бўлсангиз, коллежда педагогларнинг уч авлод вакили пайдо бўлган. Бинобарин, бу шонли ўқув даргоҳининг энг яхши анъаналарини йилдан-йилга ўтказиб борувчи "кўприк" вазифасини бажаради.

Коллежда 2008-2009 ўқув йилида ҳаммаси бўлиб 3630 нафар ўқувчи сабоқ олмоқда, шулардан 1565 нафари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқияпти. Талабалар стипендия, бошқа туман ва шаҳарлардан келганлар ётоқхоналар билан таъминланган. Стипендия билан таъминлашда ўзига хос мезонлар бор. Ҳар бир талаба ўртача ойига 30000 сўмдан стипендия олади. Агар талаба "4" баҳога ўқиса 40000 сўм, "5" баҳога ўқиса 45000 сўм стипендия олади. Мабодо ўқувчи сабабсиз 8 соат дарс қолдирса ва паст ўзлаштирса стипендиядан маҳрум бўлади. 1993-1994 ўқув йилидан бошлаб коллежда ўзбек гуруҳлари очилди. Ҳозир бундай гуруҳлар сони 11 тага етди.

Яқинда коллеж директори ловозимига Ўзбекистон Республикаси ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси магистри, филология фанлари номзоди, ёш, талабчан кадр Улуғбек Сатторов тайинланди.

- Коллежимиз зиммасига республика саноатининг гиганти бўлмиш Навоий кон-металлургия комбинати ва вилоятдаги йирик корхоналарга малакали ишчи кадрлар етказиб бериш вазифаси юклатилган. Бу вазифани коллеж педагоглар жамоаси шараф билан уддалаб келмоқда. Ана шундай жамоага бош бўлиш, ўқув юрти анъаналарини давом эттириш катта масъулият эканлигини ҳис қилган ҳолда ютуқларни кўпайтириш биринчи галдаги вазифамиз бўлиб қолади,- дейди Улуғбек Файзуллаевич.

Коллеж минтақага кончилар, саноатчилар етиштириб беришга ихтисослашган. Кадрлар тайёрлаш шу йўл билан четдан мутахассисларни жалб этишга чек қўйиш вазифаси қўйилган. Бу вазифа қадам-бақадам бажариб келинмоқда. Ўтган ўқув йилида ўқув юртини 276 нафар ўқувчи, шу жумладан, 70 нафар қизлар битириб чиқди. Уларнинг 100 фоизи иш билан таъминланган.

- Мен Навбаҳор туманидаги 21-сонли ўрта мактабнинг 9-синф негизида битириб, коллежнинг "Технологик машиналарни жиҳозлаш, хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш" мутахассислиги бўйича ўқидим ва Навоий Машинасозлик заводига ишга жойлашдим. Яқинда оила қурдим. Ойлик маошим ёш оила орзу-ҳавасларига етиб турибди,- дейди Рустам Аъзамов.

- Эҳе-е, Рустамга ўхшаган ёшлар қанча!

Ўқув юртида бўлган кунимиз директорнинг маънавият ишлари бўйича ўринбосари С.Саломованинг бир гуруҳ аълочи ўқувчилар билан суҳбат ўтказаётгани устидан чиқиб қолдик. Саодат Рауповна бизни бу ўқувчилар, яъни 2-РОМП гуруҳидан Дўстмурод Монечухар, 2-КИПиА гуруҳидан Аделия Бергалиева ва Азимжон Рустамов, 3-ЭСО гуруҳидан Пўлат Қодиров, 32-ЭСО гуруҳидан Иван Махмадов, 3-ДО гуруҳидан Татьяна Ортина, 31-ХКМ гуруҳидан Жамшид Динмасов, Баҳром Тугалов, Мухлиса Улуғова ва Бойжон Шароповлар билан таништирди.

Ёшлик завқи-шавқи барқ уриб турган бўлажак мутахассислар билан танишиш, гурунглашиш янада мароқли бўлди.

Ўқув юртида шаклланган энг яхши анъаналар деганда, ўқувчиларнинг фан олимпиадалари, спорт ва бадиий ҳаваскорлик тўгаракларига қатнашишларини тилга олмасдан бўлмайди. Ўтган ўқув йилида 200 нафардан ортиқ ўқувчи коллеж олимпиадасида иштирок этиб, 11 нафари Навоий шаҳар босқичида қатнашдилар. 2-ЭВМ талабаси Дамир Юсупов вилоятда биринчи ўринни эгаллади. Дамирнинг гуруҳдоши Эльвина Мустафина чизмачилик бўйича вилоятда ғолиб бўлди. Коллеж ўқувчилари "Шунқорлар" ҳарбий спорт ўйинларида фаол иштирок этиб ҳозирга қадар шаҳар ғолиблигини қўлдан бермай келаяптилар. "Баркамол авлод" спорт мусобақаларида коллеж ўқувчилари вилоятнинг волейбол, баскетбол жамоаларининг асосини ташкил этади. Бу ерда спорт соҳасида эришаётган ютуқлар ҳавас қилса арзигулик. 400 нафардан ортиқ талаба 12 секцияда машқлар олиб боради. 2006 йилги спортнинг армрестлинг тури бўйича Осиё чемпионатида 2-ОМР гуруҳи талабаси Сарвиноз Тангирова, 2-ЭВМ гуруҳидан Екатерина Шишковалар совриндор бўлган бўлсалар, 2-СТА гуруҳи талабаси Ефим Наимев Болгарияда ўтказилган спортнинг паурлефтинг тури бўйича халқаро мусобақада олтин медал билан тақдирланди.

НКМК ва Навоий шаҳрининг 50-йиллиги муносабати ҳамда Президентимиз Фармони билан давлат мукофоти берилганлар орасида спортнинг армрестлитлинг тури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро тоифадаги спорт устаси, Болгарияда ўтказилган чемпионатда жаҳон чемпионлигини қўлга киритган 2-гуруҳ толиби Шохрух Нуриддинов ҳам борлиги ўқув юрти жамоаси қалбини фахр-ифтихорга тўлдирди. У «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Бадиий ҳаваскорликнинг "Шодлик" миллий ва "Фламенго" замонавий рақс дасталари, "Навоий кон-металлургия комбинати юлдузлари" эстрада ва "Ниҳол" бадиий жамоаларининг санъатлари тобора сайқалланиб бормоқда.

Коллежда 24 та фан, шу жумладан 11 та техник ижодий тўгараклар ишлаб турибди. Ўқув даргоҳидан ўзгача бир кўтаринки кайфият билан қайтдик. Зеро, мамлакатимизни олтин ва бошқа қимматбаҳо металлар билан бойитиб келаётган саноат корхоналарига етук ва малакали мутахассислар тайёрлаб бераётган Навоий кончилик коллежига ишонса бўлади.

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА ТАЛАБАЛАРИ

бутун Ўзбекистон аҳлини янги 2009 йил билан самимий қутлайди.

Янги йил хонадонларингизга тўкин-сочинлик, бахт ва омад олиб келсин!

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ҒАЛЛАБАНК"

юртдошларимизни Янги - 2009 йил билан муборакбод этади. Янги йил сизга бахт-саодат, хонадонингизга файз-барака, юртимизга тинчлик ва фаровонлик олиб келсин!

Янги йил арафасида "Ғаллабанк" йиллик 26 фоиз даромад келтирувчи янги омонат турларини таклиф этади.

"ҚИШ ЗИЙНАТИ" омонат муддати-2 ой, фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўлаб берилади.

"ЯНГИ ЙИЛ" омонат муддати-4 ой, фоизлар ҳар ой якуни бўйича тўлаб борилади.

"НИЯТ" омонат муддати-6 ой, фоизлар ҳар ой якуни бўйича тўлаб борилади.

Маблағлар 2008 йил 22 декабрь кунидан 31 декабрь кунигача қабул қилинади.

Аҳолининг "Ғаллабанк"даги омонатлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ-4057 сонли "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига мувофиқ тўлиқ кафолатланади.

ОМОНАТЛАРГА МАБЛАҒЛАР "ҒАЛЛАБАНК"НИНГ БАРЧА ФИЛИАЛЛАРИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 233-71-72, 236-74-30, 232-15-89. www.gallabank.com

"ҒАЛЛАБАНК" ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН!

ЎзМТДП НАМАНГАН ТУМАН КЕНГАШИ

Ўзбекистон халқини Янги йил байрами билан муборакбод этади.

Қутлуғ айём кунлари қалбингиздаги энг эзгу орзу-умидлар рўёбга чиқсин!

Юртимиз тинч, ҳаётимиз фаровон бўлсин!

ЯНГИ ЙИЛ МУБОРАК!

2008 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб жаҳоннинг машҳур "The Banker" журнали томонидан тан олинган ОАТБ "ПАХТАБАНК" ўз акциядорлари, мижозлари ва барча ҳамюртларимизни кириб келаётган

ЯНГИ - 2009 ЙИЛ

билан сидқидилдан табриклайди! Янги йилда сизга соғлик, тинчлик, фаровонлик, барқарорлик ва улкан муваффақиятлар тилайди!

Фурсатдан фойдаланган ҳолда, "Пахтабанк" сизларга янги йиллик 16 ва 19 фоиз даромад тўланадиган миллий валютадаги **"ЭГАСИНИНГ НОМИ КЎРСАТИЛМАГАН", "РАВНАҚ", "ЗАМИН", "НУР", "ХУМО", "ФАРОВОНЛИК"** ва **"САХОВАТ"** жамғарма ва муддатли омонатларини, шунингдек, йиллик 6 фоиздан 8 фоизгача бўлган хорижий валюта - АҚШ доллари ва ЕВРОдаги **"ЧАШМА", "ЭЗГУ"** ва **"СЕВИНЧ"** муддатли омонатларини таклиф этади.

"РАВНАҚ", "ЗАМИН", "ФАРОВОНЛИК" миллий валютадаги жамғарма ва муддатли омонатлари бўйича ҳисобланган фоизлар капитализация қилинади.

Омонатларга пул маблағлари 1 ойдан 12 ойгача қабул қилиниб, ҳисобланган фоизлар муддатига мутаносиб равишда 1 ой ва 3 ойда берилади.

Омонатлар бўйича ҳисобланган фоизли даромадингиз биринчи талабдаёқ берилади.

Унутманг, "Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг тижорат банклари депозит ҳисоб варақларига жойлаштирилган пул маблағлари давлат томонидан ҳимояланган ва фуқароларнинг омонатлари бўйича ҳақ тўлашнинг ишончли кафолатлари қонунан юз фоиз таъминланади!

"Пахтабанк" омонатларига қўйилган пул маблағлари декларация қилинмайди ҳамда омонатчи ва унинг пул маблағлари ҳақидаги маълумот банк сири ҳисобланади.

Барқарор молиявий ҳамкор билан фаровон келажагингизни яратинг.

"ПАХТАБАНК"
фаровонлигингиз калитидир!

Қўшимча маълумотлар учун 150-53-65 ва 150-85-27 телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган.

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

БИЗНИНГ ШАРҲ

Беҳбуд БОТИРОВ

Автоинқироз

Европа ва Америкада янги автомобиль сотиб олиш камайди

"Энг яхши автомобиль қайси?" Машҳур америкалик автомагнат Генри Фордга шундай савол беришганида, у энг яхшиси қайси маркада бўлишидан қатъий назар – янги автомобилдир, дея жавоб берган. Ушбу ақидани хуш кўрадиган Америка ва Европа фуқаролари яқин вақтларгача ўз машиналарини тез-тез алмаштириб туришни одат қилишганди. Бироқ жаҳонда кузатилаётган молиявий инқироз йиллар давомида шаклланган хоҳиш-истакни бир четга суриб қўйишга мажбур қилмоқда.



Мутахассислар шу йилнинг ёзидан бошланган молиявий инқироз реал сектор – ишлаб чиқаришга ҳам таъсир этишидан хавотирда эди, афсуски башоратлар ўзини оқлади: Европа, Америка, Россия автомобиль саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш кескин камайиб кетди, иш ўринлари қисқариб, минглаб одамлар кўчада қолди.

Европа – истеъмолчи халқ. 450 миллиондан ортиқ аҳолига эга улкан қитъада автомоблга эҳтиёж мунтазам барқарор бўлган. Боз устига мазкур минтақадаги давлатларда кредит асосида иш юритиш самарали йўлга қўйилганди, аммо Америка фонд биржаларидан бошланиб тез орада Европага етиб келган молиявий инқироз ишлаб чиқаришнинг барча тармоқлари, хусусан, кимё, озиқ-овқат, енгил саноатга жиддий таъсир кўрсатди. Булар орасида автомобиль саноатининг инқироз кўчасига киргани молиявий таназзулнинг ташвишли ҳолатларидан бирига айланди. Ҳозирга келиб Кекса қитъа аҳолиси янги автомобилларни деярли сотиб олмай қўйди. Европа автомобиль ишлаб чиқарувчилар ассоциацияси маълумотларига кўра, 2008 йилнинг ноябрь ойида автомобиллар савдоси 2007 йилнинг шу даврига нисбатан 14,5 фоизга тушиб кетган. АҚШда бу кўрсаткич 32 фоизга етган.

Ҳаётни автомобилсиз тасаввур этолмайдиган Европа ва Америка фуқаролари учун шу вақтга қадар янги автомобилни сотиб олиш жиддий масала эмасди. Улар машинанинг бирор жойига дарз етса ёки ускуналардан бири ишламай қолса, уни дарров янгиси билан алмаштиришарди. Аммо бугунги ҳолат мутлақо бошқача. Глобал таназзул инсониятга жиддий мактаб бўлиб, ҳар кимга кўрпасига қараб оёқ узатиш лозимлигини уқтирган кўринади. Бир томондан йирик-йирик банкларнинг ўз фаолиятини тўхтатаётгани, гигант корхоналарнинг ҳукуматлардан ёрдам сўраётгани одамларни бозордаги савдо-сотиқ ишларида эҳтиёткор бўлишга ундамоқда.

Ҳозир автомобиллар савдосидаги пасайиш жаҳон бўйлаб давом этмоқда. Бунга асосий сабаб аҳоли даромадларининг қисқариши, оммавий ишдан бўшатилиш ва одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончи камайгани билан боғлиқ. Оқибатда автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниялар харажатларни қисқартириш мақсадида оммавий қоидалардан фойдаланмоқда. Яъни, маҳсулотлар камайтирилиб, ишчи-ходимлар номаълум муддатга таътилга чиқарилмоқда ва истеъмолчилар учун кредитларнинг мисли кўрилмаган арзон фоизлари таклиф этилмоқда. Аммо бу ҳам муаммони бартараф этишга ёрдам беролгани йўқ.

Дунё бўйича автомобиллар савдоси шу йилнинг октябрь ойида ўтган 30 йилдаги энг паст кўрсаткичга етди. Американинг гигант концерни "General Motors" октябрь ойида автомобиллар ишлаб чиқаришни ўтган йилга нисбатан 45 фоизга камайтирган. Шунингдек, "Chrysler LLS" 35 фоиз, "Nissan Motors Co." – 33, "Ford Motor Co." – 30, "Honda Motors Co." – 25, "Toyota Motors Corp." автомобилларига эҳтиёж 23 фоизга тушиб кетган.

Кекса қитъа – Европа кўчаларида ҳам янги автомобиллар камнамо бўлиб бормоқда. Биргина 2008 йилнинг ноябрь ойида автомобиль бозоридаги олди-сотдилар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 26 фоизга тушиб (эҳтиёж 1 миллион 250 мингтадан 932 минг 500 тага камайган), ўтган 9 йилдаги энг паст натижага етган. Европа давлатлари орасида айниқса, Испанияда – 50 фоиз, Буюк Британияда – 37, Италияда – 30, Германияда – 18, Францияда – 14 фоизга камайган. Бу жараён ҳозир ҳам давом этмоқда.

Осиёнинг энг йирик концерни "Nissan" эса йиллик фойдани 66 фоизга қисқартирди ва "Micra" ва "Note" русумли автомобиллар ишлаб чиқаришни вақтинча тўхтатишга мажбур бўлди. Умумий ҳисобда эса автомашина ишлаб чиқариш 200 мингтага камаяди ва концерн 3 минг 500 нафар ходимдан воз кечишга тайёр турибди. Японларнинг яна бир автомобиль ишлаб чиқарувчи компанияси "Isuzu Motors" қарийб 1,5 минг нафар вақтинча ва ярим ставкада ишлайдиган ходимлардан, "Toyota" эса кейинги тўрт ойда 3 минг нафар ишчи-ходимларни ишдан бўшатишни маълум қилган. Қисқартириш режалари айни пайтда давом этмоқда.

Мутахассислар 2009 йилда ҳам автомобил соҳасида турғунлик давом этишини айтишмоқда. Муаммони бартараф этишнинг энг мақбул йўли – автомобиль концернларининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишидир. Яқинда Германиянинг "Opel" концерни молиявий инқироз туфайли ҳукуматдан 500 миллион евро миқдорида молиявий кўмак сўраган. Натижада фирманинг таклифи қаноатлантирилган, аммо мамлакатдаги бошқа фирмаларга эса кутиб туриш тавсия этилган. Автомобиль саноатидаги инқироз ойдан-ойга пасайиб кетишидан хавотирланган АҚШ ҳукумати "Ford", "General Motors" ва "Chrysler" компанияларига жами 17,4 миллиард доллар миқдорида молиявий ёрдам кўрсатадиган бўлди.

Европа ва америкаликлар ишсиз қолишдан жуда хавотирланишади. Кўпчилик уй-жой, машина ва бошқа маиший жиҳозларни асосан кредит эвазига олишади ва ҳар ойда ойлик маошларидан тўлаб боришади. Мабодо кредит тўловчи ишсиз қолгудек бўлса, унинг тўлов қобилияти камаяди ва банк ўртадаги шартномани бекор қилиши мумкин. Бу эса шундоқ ҳам муаммоларга ўралашиб қолган одамни уй-жойсиз кўчага улоқтиришдек гап.

1885 йилда германиялик машҳур муҳандис Карл Бенз ўзи юрар машинани яратгач, "кейинги авлод машиналарининг энг юқори тезлиги соатига 60 км. тезликка етсин", дея ният қилган экан. Ушанда Карл Бенз автомобиль соҳасида катта ўзгаришлар бўлишини билганди, аммо бугунгидай соатига 250-300 км. тезликда ҳаракатланишини хаёлига ҳам келтирмаган бўлса керак. Одамзоднинг энг яқин ҳамроҳи, узоғини яқин, оғирини енгил қилувчи восита жамиятнинг ажралмас бўлагига айланиб бўлди. Усиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Айни пайтда жаҳон ҳамжамияти томонидан инсониятнинг ҳамроҳини "қутқариш" мақсадида зарур чоралар кўрилмоқда. Аслида мазкур инқироз автомобиль кашф этилгандан бошлаб бир неча маротаба кузатилган бўлиб, бу ҳам бозор иқтисодиётига хос жараён.

ТОШКЕНТДА ИЛК ТРАНСПОРТ

● "Автомобиль" сўзи грекча (autos – ўзи) ва лотинча (mobillis - ҳаракатланаётган) ўзи ҳаракатланувчи деган маънони англатади.

Ўрта асрлардаёқ шамол кучи ва одамларнинг билак кучи ёрдамида ҳаракатга келтириладиган йўловчи ташиш мосламаларини яратишга ҳаракат қилинган. Ўз замонасига нисбатан мукаммал машинани 1752 йилда россиялик уста Леонтий Шампуренков яратганди. Автомобилсозлик орасида ўша пайтда энг танилган Генри Форд 1892 йилда ўзи юрар машинани ихтиро қилган. 1903 йилда у автомобилларни саноат кўламида ишлаб чиқара бошлаган.

Қизиғи шундаки, 7 йил ўтиб, Тошкентда "Бенц Гагенау" номли биринчи автобус пайдо бўлди. 8 ўринли 10 та автобус Никольское қишлоғи (собиқ Луначарский шоссеси - ҳозирги Буюк ипак йўли) ва Қўйлиқ ўртасида қатнай бошлаган.

● 1770 йил француз муҳандиси Кюньо буғдан ўзиюрар автомобилни ихтиро қилади. Уни ҳайдаш жуда машаққатли бўлган. Ҳайдовчи олдига мис қозон осилган бўлиб, машина тез-тез тўхтаб қолганда ҳалиги ҳайдовчи машинадан тушиб ўтхонага ўт ёқиб бораверган. Ана шундай аянчли кўринишда илк буғ автомобили ҳаракатланган. Ушбу автомобиль ҳайдовчисини французлар эркалатиб «шофёр» деб аташган. Француз тилида «шофёр» – ўт ёқувчи дегани.

28 ДАВЛАТДАН БИРИ

● Автомобиль бозоридаги инқироз барча давлатларга ҳам зарар етказаяпти, деб бўлмайди. Мисол учун, 2007 йилнинг шу даврига нисбатан Чехияда 2 фоиз, Польшада эса 10,7 фоиз кўп автомобиллар сотилган. Мана, 12 йилдирки, Ўзбекистон - автомобилсоз давлат. Истиқлол берган улкан имкониятлардан бири, шубҳасиз, мамлакатимизда автомобилсозлик саноатига асос солинганидир. 1996 йил 19 июль куни Ўзбекистон дунёдаги автомобиль ишлаб чиқарадиган йигирма саккиз давлат қаторидан жой олди.

● Нима учун такси автомобилларига айнан шоҳмат белгиси қўйиш расм бўлган, бу қандай маънони англатади?

Автобус, трамвай, троллейбус воситалари аниқ йўналиш бўйича ҳаракатланади, таксилар эса шоҳмат ўйинига асосланган ҳолда хоҳлаган томонга юриши мумкин.

РАНГИН ДУНЁ

Маҳфуза ХУДАЙБЕРГАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хитой маданияти тарихидан лавҳалар

Биринчи ва "мангу" император

Миср ва Мессопотамия (икки дарё олиғи) каби Хитойда ҳам илк цивилизациялар Хуанхе ва Янцизи дарёлари бўйларида милоддан аввалги II-III минг йилликларда куртак ёя бошлаган.

Хитойни ягона давлатга бирлаштириш жараёнига Цинь сулоласининг ҳукмдори бошчилик қилади. У Хитойни ўз ҳокимияти остида бирлаштирганидан сўнг Цинь Шинҳуан (милоддан авалги 210-246 йиллар) номини қабул қилган ва мамлакат ҳам Цинь империяси деб атала бошланган. Бу ном "Циннинг биринчи ҳукмдори" деган маънони билдиради. Аслида қаттиққўл одам бўлган Цинь Шинҳуан ўз рақибларини шафқатсизларча қириб ташлайди. Унинг ҳукмдорлиги даврида ягона ва марказлашган давлат вужудга келган. Цинь деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланишига имкон берадиган бир қанча ислоҳотларни ўтказади.

Подшоҳ тириклигидаёқ ўзига атаб мақбара қуришга фармон беради. Ҳашаматли ва безаклари жиҳатидан бу мақбара ўша даврда Миср пирамидалари билан беллаша олган. Мақбарани 720 минг одам 37 йил мобайнида бунёд этган. Мақбара туби бир неча квадрат километрни эгаллайди. Шунингдек қабрдан императорни нариги дунёда "қўриқлаш" учун ўрнатилган 6 мингта сопол аскар ҳайкалчалар ҳам топилган. Мақбара йўлакларида кичик хоналар бўлиб, уларда ўша давр мусиқа асбобини чалиб турган одам ҳайкали, қабр атрофида эса бронзадан ясалган оқ қушларнинг мўъжаз ҳайкалчалари ҳам бўлган. Айрим манбаларда ёзилишича, мақбара сир бўлиб қолиши учун уни қурган барча ишчиларни тириклигича кўмиб юборишган экан.

Улкан салтанатда императорнинг ёлғиз душмани табиий ўлим бўлган холос. У ўзини "умрбоқийлиги"ни таъминлаш учун хитойлик барча ал-кимёгарларни "ҳаёт эликсирини" тайёрлашга жалб қилади. Императорга кашфиётлардан фақатгина симоб ёқади. Айтишларича, ўша даврда мақбара ва унинг атрофидаги кўл ва дарёларда симоб оқизилган. Олимлар 50 метр чуқурликдаги тупроқни ковлаб текширишганида ҳақиқатан ҳам ернинг ўша қатламида симоб миқдори кўплиги аниқланади.

Буюк Хитой девори

Император Цинь Шинҳуан тез-тез кўнглини ғаш этадиган тушларни кўриб, уйқуси ва халоватини йўқотади. Ҳатто, бир куни тушида, у ойга учиб ерни томоша этганида, салтанати ниҳоятда кичиклигини кўради. Шундан сўнг, ўз давлатини душманлардан асрай оладиган, метиндек мустаҳкам девор қуришга қарор қилади. Цинь ҳукмдори кўчманчи халқларнинг аҳён-аҳёндаги ҳужумларидан ҳимояланиш учун Буюк деворни бунёд этишни бошлаб юборади. Деворнинг баландлиги 12 метр, кенглиги 5 метр, узунлиги эса салкам 5000 км.ни ташкил этади. Афсоналарда айтилишича, императорнинг оти девордан сакраб ўтган ва унинг тақаси теккан жойга қўриқчи миноралар қурилган. Аслида эса, ҳар бир қўриқчи минораси оралиғи аниқ бир масофани ташкил этиб, камондан отилган икки найза ўқи етиб борган жойда бунёд этилган. 20 км. оралиқ масофада эса гарнизон миноралари, шунингдек огоҳлантирувчи миноралар (хавф кўринганда олов ёқиб огоҳлантириш учун) ҳам қурилган.



Қадим замонларда девор душман қўшинлари учун жиддий тўсиқ бўлиб хизмат қилган, негаки отлиқ қўшинлар ундан ошиб ўта олмаган, қалъаларни ҳужум билан забт этишни эса кўчманчилар ҳали уддалай олишмасди. Подшоҳ ва амалдорлар юз минглаб деҳқонларни девор қурилишига мажбуран ҳайдаб келишган. Буюк деворни белкурак, чўкич ва замбил ғалтаклар ёрдамида барпо этадилар. Ўша кезлари деҳқон оиласида ўғил бола туғилиши мусибат ўрнида кўрилган: вояга етганидан кейин уни барибир девор қурилишига жўнатганлар, у ердан тирик қайтиб келиш эса ҳаммага насиб этавермасди. Минглаб қуллар ва асирлар девор қурилишидаги ҳаддан ташқари оғир меҳнатдан ҳалок бўлишган. Ҳалок бўлганлар шу ернинг ўзида деворнинг кўтармаларига кўмиб юборилган. Шунинг учун халқ ичида Буюк Хитой девори "энг катта мозор" деб ҳам аталади. Император Циндан сўнг Хань, Мин сингари ҳукумдорлар даврида девор қурилиши давом этган. Девор қурилиши ниҳоясига етганидан кейин (девор минг йилдан зиёд даврда қурилган) ҳукмдорларда уни мудофаа қилишга етарли қўшин йўқлиги ҳам маълум бўлган. Хуллас, Цинь императори тушида кўрганидек, Ойдан томоша қилса бўладиган, инсон қўли билан яралган, дунёдаги энг узун ва қойилмақом девор барпо этилган.

Илк кашфиётлар

Қадимги Хитойда ҳарф эмас сўз ифодаланган иероглиф ёзуви мавжуд бўлган. Аввалига хитойликлар бамбукка ёзишган. Улар учун учи ўткирланган ёғоч таёқча қалам, дарахт шарбати эса сиёҳ ўрнини босган. Ингичка ва узун тахтачаларга фақат юқоридан пастга қараб ёзиш имкони бўлган. Шунинг учун ҳам юқоридан пастга қараб ёзиш шакли кейинчалик ҳам сақланиб қолинган. Бамбук тахтачаларининг юқори қисмида тешик пармаланиб, улар бир даста қилиб боғланган. Бамбук тахтачалар боғлами айни маҳалда қадимги Хитой китоблари ҳисобланади. Бундан 2,5 минг йил муқаддам бамбук ўрнига ипакдан фойдаланишга ўтилган. Ипакка таёқча билан эмас, мўйқалам билан ёзилар эди. Энди китоб узун ипак парчасига ўхшар, уни ўрама тарзида таёқчага ўрашар эди. Милоддан аввалги I асрда қоғоз ихтиро қилинган.

Хитойликларнинг энг ажойиб ихтироларидан яна бири компас эди. У магнитланган темирдан ясалган узун дастали, каттакон қошиқни эслатарди. Бу мосламани катакларга ажратилган, зарҳалланган ёғочга ўрнатишган, унинг дастаси эса ҳамма вақт Жанубни кўрсатган. Қадимги Хитой олимлари тарих, астрономия ва тиббиётга оид кўплаб асарларни яратишган.

Деҳқончилик Хитойда азалдан эътиборли ва фахрли касб ҳисобланиб келинган. Асосий деҳқончилик экини буғдой бўлган. Кейинчалик Ҳиндистондан шоли уруғи келтирилиб, шоли етиштирилган.

Чой маросими

Хитойда чой маросимини V аср бошларида Жанубий Ҳиндистондан келган Бодхидхарма номи билан боғлашади. Дастлаб чой барглари қайта ишланмай, худди шифобахш ўсимликлар сингари қайнатилган ва унга гуруч қайнатмаси, мурч ва пиёз солинган. VII-XIII асрларга келиб аристократлар ва императорлар саройида чой маросими урфга айланган ва кейинчалик чой ичиш учун махсус чинни идишлар ҳам тайёрланган. Шу ўринда оддий чой дамлаб ичиш билан "чой маросими" ўртасида жиддий фарқ борлигини эслатиб ўтмоқчимиз. Чой маросими Хитой халқининг алоҳида удуми ҳисобланади. Хитойда чой маросими бугунги кунга қадар сақланиб қолган. Ҳатто замонавий тўйларда ҳам чой маросими ўтказилади. Олдинлари йигит томон қиз уйига совға юборган. Агар совға олинсагина чой маросими ўтказилган. Маросимда қиз ва йигитнинг юлдузи бир-бирига тўғри келиш-келмаслиги аниқланган. Ҳозир ҳам бу маросим хитойликларнинг энг гўзал ва қадрли миллий урф-одатларидан бири бўлиб қолган.

ДУНЁДАН ДАРАҚЛАР

Йўлдаги шакар ва туз

Тенг ҳажмда шакар билан аралаштирилган йўл тузи автомобиллар занглашини 50 фоизга қисқартириб, оғир металларнинг табиатга таъсирини камайтиради.



Швеция йўл бошқармаси мутахассисларининг бу ҳақдаги фикри «Нюа Вермландс - Тиднинген» газетасида эълон қилинди. Экспертларнинг айтишича, уч йиллик тажриба шуни кўрсатганки, ушбу аралашма йўлда узоқроқ сақланади ва тез қурийди. Бундан ташқари қиш пайтида трассаларни бир неча марта тозалашга ҳожат қолмайди.

Фақат шакарнинг тузга нисбатан олти баравар қимматлиги ва жониворларнинг ҳам унга иштиёқмандлиги бошқармадагиларга бироз муаммо туғдиряпти.

Ҳамкорлар тўпламоқда

МАГАТЭнинг (Халқаро атом энергетикаси агентлиги) расмий Теҳрон 2003 йилдаёқ ядро қуроли яратиш борасидаги тадқиқотларни тўхтатишини маълум қилган бўлса-да, Эрон айни соҳадаги ишларга якун ясамаган кўринади, деган фикрни билдирди.

Экспертларнинг бу борадаги хавотирларига кўплаб асослар мавжуд. Бинобарин, турли манбалардан олинган ҳужжатларда ядро каллакларининг чизмалари, ракетанинг ишлаши ва жойлаштирилиши режалари акс этган. Лекин эронликлар мазкур маълумотни инкор этиб, айтиб ўтилган ҳужжатлар қалбаки эканлигини маълум қилишди.

Расмий Теҳрон эса МАГАТЭга мувофиқ ишлайдиган уранни бойитиш бўйича халқаро консорциум тузиш учун ҳамкорлар тўпламоқда. Бу ҳақда хабар қилган Эроннинг БМТдаги доимий вакили Муҳаммад Хазоининг таъкидлашича, консорциум мамлакатда жойлашиши керак.

Иш тугамайди, дам олинг

Америкалик тиббиётчилар беморларнинг қарийб 30 фоизи доимий толиқишдан азият чекаётгани, ҳатто дам олиш ёки таътилда ҳам яхшироқ ҳордиқ чиқармаётганидан шикоят қилаётганини айтишмоқда.

Айрим оғир ҳолатларда давомли ухлаш ҳам, тоза ҳаво ҳам ёрдам бермаяпти. Бундан хасталарга эса "сурункали толиқиш синдроми" ташхиси қўйилиб, махсус муолажа белгиланади. Олимларнинг аниқлашича, сурункали толиқиш синдромининг ривожланишининг кўплаб сабаблари бор. Айниқса, тўйиб ухламаслик бу касалликнинг томир отишида катта аҳамиятга эга бўлади. Сир эмас, бугун одамлар ухлашга жуда кам вақт ажратади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий Кенгаши ва фракцияси партия МК Ижроия Қўмитаси Раиси А.С.Турсуновга акаси

Баҳром ТУРСУНОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

БАЙРАМ ТИЛАКЛАРИ

АТ "АЛОҚАБАНК" СИЗНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ 2009 ЙИЛ БИЛАН ЧИН ЮРАКДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

Сизга Янги йилда бахт, мустаҳкам соғлиқ ва фаровонлик тилаймиз. Кириб келаётган Янги йил Сизга ва яқинларингизга тинчлик ва осойишталик олиб келсин. Янги йил янги ютуқлар ва муваффақиятларга бой бўлсин!

Янги йил муносабати билан АТ «Алоқабанк» янги омонат турларини Сизга тақдим этмоқда: «Алоқада Янги йил», «На связи Новый год».

Aloqabank

«АЛОҚАДА ЯНГИ ЙИЛ» «НА СВЯЗИ НОВЫЙ ГОД»

Совғали янги омонатлар

www.alokabank.uz

АТ «Алоқабанк» «Алоқада Янги йил» «На связи Новый год» - номли совғали янги омонатини таклиф этади

ОМОНАТ ШАРТЛАРИ

- Омонат миқдори: чекланмаган
- Омонат муддати: 3, 6 ва 12 ой
- Фоиз ставкаси: йиллик 18%
- Ҳисобланган фоиз тўлови: ҳар ойда
- Омонатга маблағлар фақат нақд пулда қабул қилинади.
- Омонатга қўшимча бадаллар қўйиш ёки омонатни қисман берилиши амалга оширилмайди.

ОМОНАТ БЎЙИЧА СОВҒАЛАР

- Совғалар омонат қабул қилинган вақтнинг ўзида банк кассасидан берилади
- Совғанинг пул кўринишида берилишига йўл қўйилмайди.
- Омонатчи омонат миқдорига белгиланган совға миқдори доирасида бир ёки бир нечта совғани танлаб олиши мумкин

Омонатчига омонатнинг миқдорига мос равишда қуйидаги қийматдаги совғалар берилади:

Омонат 3 (уч) ой муддатга қўйилганда:

Совға берилаётган омонат миқдори (сўм)	Совғанинг қиймати (сўм)
500 000 – 1 000 000	3 000
1 000 001 – 5 000 000	5 000
5 000 001 – 10 000 000	10 000
10 000 001 – 15 000 000	20 000
15 000 001 – 20 000 000	30 000
20 000 001 – 25 000 000	50 000
25 000 001 – 35 000 000	100 000
35 000 001 – 40 000 000	150 000
40 000 001 – 50 000 000	200 000
50 000 001	300 000

Омонат 6 (олти) ой муддатга қўйилганда:

Совға берилаётган омонат миқдори (сўм)	Совғанинг қиймати (сўм)
300 000 – 500 000	3 000
500 001 – 1 000 000	5 000
1 000 001 – 5 000 000	10 000
5 000 001 – 10 000 000	50 000
10 000 001 – 15 000 000	100 000
15 000 001 – 20 000 000	150 000
20 000 001 – 25 000 000	200 000
25 000 001 – 30 000 000	250 000
30 000 001 – 40 000 000	300 000
40 000 001 – 50 000.000	450 000
50 000 001	500 000

Омонат 12 (ўн икки) ой муддатга қўйилганда:

Совға берилаётган омонат миқдори (сўм)	Совғанинг қиймати (сўм)
100 000 – 200 000	5 000
200 001 – 500 000	10 000
500 001 – 1 000 000	30 000
1 000 001 – 2 000 000	50 000
2 000 001 – 5 000 000	100 000
5 000 001 – 10 000 000	250 000
10 000 001 – 12 000 000	400 000
12 000 001 – 15 000 000	480 000
15 000 001 – 18 000 000	500 000
18 000 001 – 20 000 000	600 000
20 000 001 – 22 000 000	750 000
22 000 000 – 25 000 000	850 000
25.000 001	1 000 000

	Совғалар	Нархи (сўм)
1	Янги йил табриклари учун шаҳарлараро ва халқаро телефон универсал экспресс картаси	5 000
2	Янги йил табриклари учун шаҳарлараро ва халқаро телефон универсал экспресс картаси	10 000
3	Шаҳар телефони учун Янги 2009 йилга 1 йиллик абонент тўлови	12 000
4	Янги йилни нишонлаш учун Тошкент телеминорасига 2 кишилик бонус карта (барча давлатлардаги телеминораларга кириш ҳуқуқини беради)	10 600
5	Янги йил табриклари учун "Uznet" компанияси телефон ва Интернет экспресс тўлов картаси	20 000
6	Янги йил табриклари учун "Uznet" компанияси телефон ва Интернет экспресс тўлов картаси	10 000
7	Янги йил табриклари учун "Uznet" компанияси телефон ва Интернет экспресс тўлов картаси	5 000
8	Янги йил табриклари учун "Uznet" компанияси телефон ва Интернет экспресс тўлов картаси	3 000
9	Янги 2009 йил учун транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталаш бўйича "Алском" суғурта компаниясининг полиси	20 000 – 30 000
10	Янги йил табриклари учун ADSL қурилмаси орқали интернет тармоғига уланиш	30 000
11	Янги 2009 йил учун "Алском" суғурта компаниясининг транспорт воситасини барча хавфлардан ихтиёрий суғурталаш полиси	100 000
12	Янги йил табриклари учун "Panasonic 2100" радиотелефон аппарати	49 490
13	Янги йил табриклари учун "Panasonic 7205" радиотелефон аппарати	90 900
14	Янги йил табриклари учун "Panasonic 1105" радиотелефон аппарати	75 750
15	Янги йил табриклари учун "Huawei C 210 E" мобил телефон аппарати	125 000
16	Янги 2009 йил учун Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий ҳамда автомобилни барча хавфлардан ихтиёрий суғурталаш бўйича "Алском" суғурта компаниясининг полиси	150 000
17	Янги йил табриклари учун "CDMA 450M Handest (C 350e)" мобил телефон аппарати	157 300
18	Янги йил табриклари учун "Daewoo-Itteki B 43" мобил телефон аппарати	213 900
19	Янги йил табриклари учун "Daewoo-Itteki S42" мобил телефон аппарати	272 120

	Совғалар	Нархи (сўм)
20	Янги йил табриклари учун барча мобил телефон операторларига мобил телефон алоқаси учун тўлов	омонат миқдори учун белгиланган совға доирасида
21	Янги йил совғалари харид қилиш учун электрон ҳамён(eKarmon)ни маблағ билан тўлдириш	омонат миқдори учун белгиланган совға доирасида
22	Янги йил табриклари учун кирувчи қўнғироқнинг телефон рақамини аниқловчи "RUS 28" телефон аппарати	33 300
23	Янги йил табриклари учун кирувчи қўнғироқнинг телефон рақамини аниқловчи "Panasonic 7739" телефон аппарати	33 300
24	Янги йил табриклари учун кирувчи қўнғироқнинг телефон рақамини аниқловчи "Panasonic 2375" телефон аппарати	33 300
25	Янги йил табриклари учун кирувчи қўнғироқнинг телефон рақамини аниқловчи "Panasonic 2519" телефон аппарати	33 300
26	Янги йил табриклари учун кирувчи қўнғироқнинг телефон рақамини аниқловчи "Panasonic 986" телефон аппарати	33 300
27	Янги йил таассуротларини сақлаш учун 1 Гб сиғимдаги электрон флеш-кард	27 270
28	Янги йил табриклари учун "Ўзбектелеком Мобайл" мобил алоқа операторининг турли хилдаги тариф пакетларига турли муддатларга уланиш	омонат миқдори учун белгиланган совға доирасида
29	Янги йил совғаси сифатида компьютер (Pentium IV)	762 500
30	Янги йил совғалари харид қилиш учун имтиёзли истеъмол кредити	омонатнинг 50 фоизи миқдорида
31	Янги 2009 йилда омонатчининг соғлиғи ва ҳаётини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича "Алском" суғурта компаниясининг полиси	1000 - 5000
32	Янги йил табриклари учун "Nokia 1208" мобил телефон аппарати	101 000
33	Янги йил табриклари учун "Nokia 1680" мобил телефон аппарати	151 500
34	Янги йил табриклари учун "Nokia 3110" мобил телефон аппарати	202 000
35	Янги йил табриклари учун "Nokia 3500" мобил телефон аппарати	252 500
36	Янги йил табриклари учун "Nokia 6300" мобил телефон аппарати	303 000

БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ
Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, А.Толстой кўчаси, 1 тел.: 252-78-74, факс: 252-75-11 e-mail: alokauz@uzpak.uz, www. alokabank.uz

Омонатларни АТ «Алоқабанк» нинг барча филиалларида очиш мумкин.

Сизнинг омонатларингиз: ● декларация қилинмайди; ● солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан озод қилинади; ● банк сири ҳисобланади; ● ҳеч қандай чекловларсиз Сизнинг ихтиёрингиз бўйича ишлатилади; ● омонат миқдори чекланмаган.

Барча омонатлар Ўзбекистон Республикаси «Банклардаги аҳоли омонатларини ҳимоялашни кафолатлаш тўғрисида»ги қонун билан кафолатланади.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

ЎзМТДП КОСОНСОЙ ТУМАН КЕНГАШИ

Юртимиз ва халқимизга кўпдан кўп яхшиликлар олиб келган 2008 йил ҳам ўз ниҳоясига етмоқда. Ўтаётган йил партиямиз ҳаётида ҳам ўзига хос из қолдирди. Барча юртдошларимиз қатори партиямиз аъзолари 2009 йилга жуда катта мақсадлар ва эзгу ниятлар билан қадам қўймоқда. Мана шундай файзли кунларда ЎзМТДП Косонсой туман кенгаши барча ватандошларимизни, партиямиз аъзолари ва хайрихоҳларини кириб келаётган Янги йил билан самимий қутлайди. Жондан азиз Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, юксак тараққиёти ва халқимиз фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларда муваффақият тилайди.

«Матбуот тарқатувчи» Акциядорлик компанияси

2009 йил учун газеталар, журналлар ва китобларга обуна давом этаётганлигини маълум қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг миқёсли ислоҳотлар ва юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, Ватанимиз маънавий-маданий ҳаётидаги янгиланишлар ва воқеалар, хорижий мамлакатлар ҳаёти билан яқиндан ва мунтазам танишиб бораман десангиз вақтли матбуот нашрларига обуна бўлинг!

Обуна «Матбуот тарқатувчи» АК ва «Ўзбекистон почтаси» ОАЖнинг барча бўлимларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Маълумот учун қуйидаги телефонларга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкентда: 233-67-71, 233-67-98

Компания тизимидаги жамиятларнинг телефонлари:

ҚР Нукус (3612) 22-88-68
Андижон (3742) 22-29-89
Бухоро (3652) 25-47-49
Жиззах (3722) 22-40-01
Қашқадарё (3752) 25-40-27
Навоий (4362) 23-26-86
Наманган (3692) 26-29-80
Самарқанд (3662) 34-22-53
Сирдарё (3672) 25-47-70
Сурхондарё (3762) 27-49-03
Тошкент вил. (3712) 233-13-04
Фарғона (3732) 24-29-22
Хоразм (3622) 26-63-75
Компания бўлими 234-85-99

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ражаб ЖУМАНИЁЗОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Рустам ҚОСИМОВ, Баҳодир ШАРОПОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

Бош муҳаррир: Жалолиддин САФОЕВ

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи-назаридан фарқланиши мумкин. Реклама ва эълонлардаги факт ва далиллар учун таҳририят жавобгарликни ўз бўйнига олмайди.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй

Газета ҳафтанинг пайшанба куни чиқади. Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган. Буюртма — Г-1123

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

ТЕЛЕФОНЛАР: (8-371) 234-87-74, 234-87-73, 234-86-41
ФАКС: (8-371) 234-69-55

Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2

Саҳифаловчи: Акбар ШОДИЕВ
Навбатчи муҳаррир: Исмат ХУДОЁРОВ
Навбатчи: Фароғат НИЗАМОВА

«ШАРК» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.20.

7 8